АДОЛАТ ҲАР ИШДА ҲАМРОҲИМИЗ ВА ДАСТУРИМИЗ БЎЛСИН!

# ИНСОН ва ҚОНУН

2001 йил 9 ОКТЯБР сешанба
№ 41 (245)
Сотувда эркин нархда

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

1996 йилнинг январидан нашр этилади




## ТЕРРОРИЗМ – БАШАРИЯТ ДУШМАНИ

*Огоҳликка даъват*

Бундан бир неча йил муқаддам Ўзбекистон терроризмга қарши кураш позициясини узил-кесил аниқлаб олган ва айни позиция атрофида бошқа давлатларни ҳам бирлашишга чорлаган эди. Машъум 11 сентябр воқеаларидан кейин бутун дунё терроризмга қарши кураш бошлади.

**Хўш, бу борада Ўзбекисоннинг позицияси қандай?**

Президент Ислом Каримовнинг баёнот билан чиқиши сабабларини таҳлил этсак, шу нарса маълум бўладики, биринчидан, Ўзбекистон дунёда биринчи бўлиб, терроризмга қарши бонг урган ва ўз вақтида бу балодан азият чеккан давлат сифатида бир четда туриши мумкин эмас эди.

Иккинчидан, терроризмга қарши ҳарбий кураш муқаррар бўлиб қолгач, Ўзбекистон дунё ҳамжамиятининг диққат марказидаги давлатга айланди. Шу боис жаҳон оммавий ахборот воситаларида Ўзбекистон ва унинг позицияси тўғрисида турли маълумотлар тарқатила бошланди. Аёнки, бундай маълумотларнинг асосий қисми асоссиз, бўҳтон ва уйдирмалардан иборат бўлиб, Президентимиз айтганидек, **"...замирида мана шу минтақада жойлашган давлатларнинг орасини бузиш, уларни бир-бирига қарама-қарши қўйиш ва ўзаро ишончни йўқотиш мақсадида қилинаётган иғвогарлик ҳаракатларининг намойишини кўриш мумкин. Энг ёмони, бу уйдирмалардан кўзланган пинҳоний мақсад — минтақамизда яшаётган турли миллат ва динга мансуб одамларни саросимага солиш, уларнинг юрагида ғулғула ва ваҳима туғдириш, эртанги кунга бўлган ишончни йўқотишдан иборат".**

Хўш, Ўзбекистоннинг терроризмга қарши курашга муносабати қандай, бу курашда мамлакатимизнинг ўрни ва ҳиссаси нималардан иборат бўлади?

Президентимиз Ислом Каримов бу борада мамлакатимиз позициясини қуйидагича изоҳлади:

**— Мамлакатимиз ҳаво ҳудудини Америка Қўшма Штатларининг ҳарбий ҳаво кучлари учун очиб бериш;**

**— ҳар икки мамлакат хавфсизлик идоралари ўртасида ўзаро маълумот ва ахборот алмашувини йўлга қўйиш;**

**— Ўзбекистон ҳудудида жойлашган битта ҳарбий аэродромга Америка Қўшма Штатларининг транспорт самолёт ва вертолётлари қўниши учун рухсат бериш. Бу самолёт ва вертолётларга хизмат кўрсатадиган америкалик мутахассислар, техник ходимлар учун тегишли шароит яратиб бериш. Биз бу аэродромни бутунлай уларнинг ихтиёрига бераётганимиз йўқ. У ердаги ўзимизнинг ҳарбий самолётларимиз ҳам қолаверади;**

**— Америка Қўшма Штатларининг бу самолёт ва вертолётларидан фақат қидирув-қутқарув ишларини амалга ошириш ва гуманитар мақсадларда фойдаланилади. Улар оз сонли бўлиб, фақат транспорт — юк ташийдиган самолёт ва вертолётлардир.**

**Шунингдек, биз иккита муҳим масала бўйича ўз қарашимизни баён этамиз:**

**1. Бизнинг ҳудудимиздан Афғонистонга қарши ердан жанговор операциялар амалга оширилишига йўл қўйилмайди.**

**2. Бизнинг ҳудудимизда Афғонситонга қарши бомбали ҳужум операцияларини амалга оширилишига розилик берилмайди.**

Албатта, Ўзбекистон позицияси аввало ўз кучимиз ҳисобига шу ерда яшаётган ҳар бир фуқаронинг, ҳар бир оиланинг тинч-тотув яшашини таъминлашни назарда тутади. Баёнотда шундай дейилади: **"Ҳеч шубҳасиз, биз аввало, ўз кучимизга, ўз Қуролли кучларимизга, халқимизнинг иймон-эътиқоди ва қатъиятига суянишимиз даркор. Бугун мен Президент сифатида халқимизнинг очиқ чеҳрасига қараб, ҳаммамизга дахлдор бўлган ана шу ҳақиқатни такрор айтмоқчиман: биз энг аввало, ўз кучимизга таянишимиз керак."**

Шу ўринда бир табиий савол туғилади: нега мамлакатимизда терроризмга қарши курашда кескин йўл тутилаяпти? Бу саволга жавобан шуни айтиш лозимки, биринчидан, **"...оғир бўлса ҳам айтаман, қачонгача бундай ёвуз таҳдид остонамиз олдида, бошимиз устида бало-қазо бўлиб туради? Бу кураш йўлида қанча қурбон беришимиз керак? Халқимиз учун эркин ва фаровон ҳаёт қуришга қаратилиши лозим бўлган яна қанча-қанча маблағ ва ресурсларимизни ана шу курашга сарфлашимиз лозим?"**

Иккинчидан, **"Биз — терроризм офатидан энг катта зарар кўраётган, унинг тобора кучайиб, доимий хавфга айланиб бораётган мудҳиш таъсирини ўз ҳаётида сезиб яшаётган мамлакат сифатида бу бало-қазога қарши кураш эълон қилган дунё ҳамжамияти, қудратли давлатлар билан бирга бўлишимиз табиий ҳол эмасми?"**

Умуман олганда, Ўзбекистоннинг **"давлатимиз манфаатларига ва халқаро ҳуқуқ мезонларига мос келади"**ган йўли мамлакатимизнинг тинчликпарвар сиёсатини давом эттирган, шу билан бирга минтақавий ва миллий хавфсизликни таъминлаш йўлидаги яна бир муҳим қадамдир.

**Мадамин САФАРОВ**

## ЁВУЗЛИКНИНГ ПАЙИ ҚИРҚИЛИШИ КЕРАК

**11 сентябр куни АҚШда халқаро террорчилар томонидан содир этилган ёвузлик, унинг мудҳиш оқибатларини кўриб, бутун дунё аҳли сингари биз ҳам бир қалқиб тушдик. Қўли қонга ботган террорчилар мудҳиш мақсадлари йўлида ҳар қандай разолатдан хам тап тортмасликларига яна бир карра амин бўлдик.**

Халқимиз бу ёвузликнинг жабрини тортган, террор нима эканлигини яхши билади. Бу ёвуз куч бизнинг ҳам уйимизни бузмоқчи бўлган, тинчлигимизга таҳдид солган. Биргина феврал воқеаларининг жароҳати ҳали битгани йўқ. Қўйиб берсанг, бу ёвуз куч дунёни батамом қонга ботиради, шаҳар ва қишлоқларни култепага айлантиради.

Бугун дунёнинг етакчи давлатлари халқаро террорчиларга қарши қатъий кураш бошлаган экан, буни адолатли, ёвузликнинг пайини қирқишга қаратилган кураш деб баҳолаш даркор. Бу Афғонистондаги тинч аҳолига ҳам, ислом динига ҳам қарши қаратилган ҳаракат эмас. Балки афғон халқини ҳам, ислом дини ҳам ёвузлик чангалидан этиш учун қаратилган саъй-ҳаракатдир. Чунки бу ёвуз куч ислом динини ниқоб қилиб олиб, жафокаш афғон халқи бошига не-не азоб-уқубатларни солаётганига бутун дунё аҳли гувоҳ булиб турибди.

Шундай экан, биз моҳият-эътибори билан дўппидек кичкина дунёни ёвузликдан қутқаришга қаратилган бу курашни қўллаб-қувватлаймиз.

**Одила ЖЎРАБОЕВА,**
**Чиноз тумани**

## ДУНЁ БИЛАН ЯКДИЛМИЗ

Ўз ватанини бало-қазолардан, ёвуз душманлар ҳужумидан ҳимоя қилиш азал-азалдан ватанпарварлик ва инсонийликнинг юксак намунаси саналган. Афғонистонда уя қуриб олган террорчи газандаларга қарши бошланган кураш эзгулик сари ташланган қадамдир. Чунки терроризм —инсоният душмани. Уни йўқотиш учун дунё давлатларининг ҳамкорлиги жуда-жуда зарур. Шу боис терроризмга қарши курашга отланган қудратли давлатлар билан Ўзбекистоннинг бирлиги мутлақо табиий ҳол. Терроризм балосининг даҳшатли кўргуликларини бошдан кечирган халқимизнинг бу борадаги фикри қатъий: террорчилар таг-томири билан йўқ қилиниши керак. Давлатимизнинг терроризмга қарши курашда тутган ўрни ва мақсади Президентимизнинг халқимизга билдирган баёнотида батафсил баён этилган.

Унда ҳар бир юртдошимизнинг кўнглидаги масалалар ўз аксини топган. Биз дунёдаги тараққийпарвар кучлар билан якдилмиз. Эзгулик ва ёвузлик ўртасидаги курашда ҳамиша эзгулик ғалаба қозонган. Террор балоси ҳам, албатта, мавҳ этилади. Бунга асло шубҳа йўқ.

**Неъмат ЭШНАЗАРОВ,**
**Шўрчи тумани**




## ҚОНУН ИЖОДКОРЛИГИ – ТАРАҚҚИЁТ КАФОЛАТИ

**Адлия вазирлиги тизимида мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг ҳуқуқий базасини таъминлаш ва такомиллаштириш, қонунчиликнинг долзарб муаммоларини таҳлил қилиш ҳамда қонун ижодкорлиги фаолиятини ривожлантириш мақсадида қонунчилик тармоқлари бўйича кўп йўналишли ишчи гуруҳлари ташкил этилиб, уларнинг фаолияти йўлга қўйилганини таъкидлаб ўтиш жоиздир.**

**Мазкур ишчи гуруҳлари зиммасига амалдаги қонун ҳужжатларини тўплаш, умумлаштириш, таҳлил этиш, амалий ижроси йўлида тўсиқ бўлаётган муаммоларни аниқлаш, қонун ҳужжатларини амалиётда қўллаш юзасидан зарур таклиф, фикр-мулоҳазаларни тавсия қилиш ва ниҳоят, бу борада хорижий давлатлар тажрибасини қиёсий ўрганиш, илмий тадқиқотлар олиб бориш вазифаси юклатилганди.**

**Куни кеча Адлия вазирлигида мазкур ишчи гуруҳлар фаолиятига бағишланган семинар йиғилиш бўлиб ўтди. Унда гуруҳ раҳбарларининг ҳисоботи тингланди. Бу борада амалга оширилган ишлар таҳлил қилинди.**

**Хўш, мазкур ишчи гуруҳлар ўтган давр мобайнида қандай ишларни амалга оширди? Умуман, қонун ҳужжатларини такомиллаштиришда ишчи гуруҳлари олдидаги вазифалар нималардан иборат? Бу тўғрида Адлия вазирлиги ҳуқуқий сиёсатни мувофиқлаштириш ва ўқув муассасалари бошқармаси бошлиғи Шуҳрат Файзиев мулоҳаза юритади.**

Адлия вазирининг 2000 йил 18-декабрдаги 71-буйруғига асосан вазирлик тизимида фаолият кўрсатаётган ходимлар томонидан қонунчиликнинг долзарб муаммоларини аниқлаш умумлаштириш, таҳлил қилиш, бу борадаги ижодкорлик фаолиятини рағбатлантириш мақсадида қуйидаги тармоқлар бўйича ишчи гуруҳлари тузилган эди:

— хусусий мулкчиликка оид;
— солиқ;

(Давоми учинчи бетда)

## БИЛМАСЛИКМИ ЁКИ МЕНСИМАСЛИК?

***Нима бўлганда ҳам, фермерларга катта зарар етказилди. Энди қонунни бузганлар қонун олдида жавоб беришларига тўғри келади.***

Янгийўл туманида фермерларга бўлган муносабатдан ёқа ушламай илож йўқ. Фермерларнинг сарсон-саргардонлиги фермер хўжаликлари фаолиятини ўрганиш бўйича туман аттестация комиссиясининг шу йил 28 февралда 22 та фермер хўжалигидан ерни тортиб олиш ҳақидаги хулосани ҳокимга тақдим этган кундан бошланди. Қарор эса икки ойдан сўнг чиқарилди. Бу вақтда деҳқонлар экин экиб, ишлов беришни бошлаб юборишган, бошқа юмушларга фурсат йўқ эди. Шундай паллада қўққисдан ерни тортиб олиш ҳақида туман ҳокимининг қарори чиққанлигини айтиб, фермерларга хўжалик ишларини тўхтатишни буюришди.

— Нима қиларимни билмай ҳайрон бўлдим. Ишимиз 5 майдан 10 июнга қадар тўхтаб қолди, — деди «Соҳиб» фермер хўжалиги раҳбари Юнуст Тошматов адлия идорасига мурожаат қилиб, — юз минг туп булғор қалампири ва 40 минг помидор кўчати экишга яроқсиз ҳолга келди. Кўчатнинг ўзидан 350 минг сўм зарар кўрдим.

«Асқар» фермер хўжалиги раҳбари Ҳ.Турсунов эса, ишим тўхтаб қолганлиги сабабли 60 минг сўм зарар кўрдим, дейди.

— Бу ҳолатни ўрганиб чиққанимизда кўпчилик фермерлардан ер асоссиз равишда тортиб олинганлиги маълум бўлди, — деди Тошкент вилоят адлия бошқармаси Кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш бўлими ходими Иброҳим Ҳотамов. — Аввало фермерларнинг қарзи йўқ, солиқни вақтида тўлашган. Ҳоким қарорида ерни тортиб олиш учун келтирилган асослар бирмунча тушунарсиздир. Қарор қонунда белгиланганидек, ҳар бир фермер учун алоҳида эмас, умумий тарзда чиқарилган. Фермер хўжаликларининг фаолияти тўғрисида хулоса чиқариш ва қарор қабул қилишда уларнинг иши етарли даражада ўрганилмаган. Комиссия хулоса тайёрлашда шу даражада эътиборсизлик қилганки, хатто 1996 йилда тугатилиб, ери жамоа хўжалигига қайтарилган собиқ «Дилшод» фермер хўжалиги ҳам рўйхатга киритиб юборилган.

Маълумки, қонун бўйича фермер хўжалигини тугатиш учун суднинг қарори, ерни ижарага бериш ҳақидаги шартномани бекор қилиш хусусидаги қарор бўлиши керак. Комиссия бундай ҳужжатларга эга бўлмаган.

Мазкур масала бўйича яна бир чалкашлик, айтиш жоиз бўлса, жумбоқ бор. Комиссия хулосасида фермер хўжаликлари сони 22 та кўрсатилган бўлса, қарор иловасида 29 тадир. Бундай бошқотирмани тузишда туман ер ресурслари хизмати бошлиғи Владимир Ни ва комиссия раиси Рустам Фозиловнинг «хизмати» катта бўлган кўринади.

«Фермер хўжаликлари тўғрисида»ги қонуннинг 32-моддасига асосан ер олиб қўйилган хўжалик тугатилиши лозим. Янгийўл туманида бу борада ғалати «тажриба»га қўл урилган. Ери тортиб олинган фермер хўжаликлари қонун асосида тугатилмайди. Ўз фаолиятини ерсиз давом эттираверади. Масалан,...

Тумандаги ноқонуний харакатларга адлия идорасининг аралашувидан сўнг чек қўйилди. Ер эгаларига қайтарилди. Лекин деҳқонларнинг бузилган ҳуқуқини тиклашда ва уларни ҳимоя қилишда қатъиятлилик кўрсатиши лозим бўлган туман деҳқон ва фермерлар уюшмасининг томошабин бўлиб туришдан нарига ўтмаганлигини қандай изоҳлаш мумкин?

Хулоса шуки, туман раҳбарларининг ўз хизмат вазифасига масъулиятсизлик билан ёндашиши, қонунни етарли даражада билмаслик ёки билатуриб унга нописанд муносабатда бўлиши фермерларга зарар етказди. Маълум муддат уларнинг норозилигига, асаббузилишларга сабаб бўлди.

Вилоят адлия бошқармаси тўққиз нафар фермернинг аризасига кўра, жами 6 миллион 210 минг сўмлик етказилган моддий ва маънавий зарарни Владимир Ни ҳамда Рустам Фозиловдан муштарак тартибда ундириб беришни сўраб судга даъво аризаси киритди.

**«Туркистон-пресс»**




**5 октябр куни АҚШ Мудофаа вазирлиги Дональд Рамсфелд қисқа муддатли амалий ташриф билан Ўзбекистонга келди.**

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Оқсаройда АҚШ мудофаа вазири билан учрашди.**

***

11 сентябр куни Америка Қўшма Штатларида содир этилган террорчилик ҳаракатлари оқибатида минтақамизда вужудга келган кескин вазият юзасидан Ўзбекистон республикаси Президенти Ислом Каримов Баёноти матбуотда эълон қилинди

***

**5 октябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов оммавий ахборот воситалари вакиллари учун матбуот анжумани ўтказди.**

***

Австрия пойтахти Вена шаҳрида Ўзбекистон республикаси Президенти Ислом Каримовнинг **"Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари"** асарининг тақдимоти бўлиб ўтди.

***

**Ҳарбий ва муқобил хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган шахсларни Қуролли Кучлар сафларидан заҳирага бўшатиш ҳамда фуқароларни муддатли ҳарбий ва муқобил хизматга навбатдаги чақириш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси вазирлар Муҳокамасининг қарори эълон қилинди.**

***

Яқин ойлар ичида Жиззахда яна бир корхона "Ўзэксайд" Ўзбекистон Америка Қўшма корхонаси иш бошлайди.

***

**Франция тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш ассоциацияси Ғузор туманидаги "Ғузор" қоракўлчилик-наслчилик хўжалигини олтин медал билан тақдирлади.**

## РЕКЛАМАНГИЗ ҚОНУНГА МОСМИ?

**Шуҳрат АҲМЕДОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитаси раиси ўринбосари**

Мустақил тараққиёт йўлини танлаб олган мамлакатимизда бозор иқтисодиёти ислоҳотлари босқичма босқич амалиётга жорий этилмоқда. Қисқа фурсат ичида янги иқтисодий тизимнинг ҳуқуқий негизлари яратилди, миллий давлатчиликни шакллантириш ва мустаҳкамлашга киришилди. Натижада Президентимиз Ислом Каримов таъбири билан айтганда, ҳозир биз керакли ёндашувларни, зарур иш маромини топдик, муайян фойдали тажриба орттирдик.

Энди олдимизда кенг кўламли ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, халқимиз маънавиятини бойитиш каби ғоят эзгу ва масъулиятли вазифалар кўндаланг турибди. Ана шу улкан ва кўламли вазифаларни амалга ошириш барча фуқаролар қатори ҳар бир журналист, ношир ва матбуот соҳаси ходимларидан янада самарали фаолият кўрсатишни талаб этади. Фуқароларнинг ҳақиқий ахборот олишини таъминлаш ва уларнинг конституцион ҳуқуқларини рўёбга чиқариш ҳамда матбуот ишларини янада жонлантириш мақсадида мамлакатимизда вақтли матбуотнинг жуда ҳам ранг-баранг турлари ва шаклларини ўзида мужассам этган бир қанча қонунлар қабул қилиниб, амалий ижроси таъминланмоқда. Бу каби саъй-ҳаракатларнинг натижаси ўлароқ оммавий ахборот тарқатиш соҳаси жуда тез суратда ривожлана бошланди. Агар 1990 йили мамлакатимизда 279 та марказий ва маҳаллий даврий нашрлар, 4 та теле ва радиостудиялар фаолият кўрсатган бўлса, 2001 йилнинг 1 июлига келиб газеталар сони 507 тага, журналлар сони 157 тага, теле ва радиостудиялар 53 тага, нашриётлар сони 53 тага етди.

Таъкидлаш жоизки, оммавий ахборот воситаларининг шиддат билан тараққий этишида бозор иқтисодиётининг таъсири ниҳоятда катта. Ҳозирги кунда энг оммавий нашрлар тижорат-тарғибот ва реклама йўналишидаги газета ва журналлар бўлиб, улар кенг омманинг фикрини шакллантиришда муҳим аҳамият касб этмоқда. Мисол учун айтадиган бўлсак, кейинги 4-5 йил ичида нашр этила бошлаган "Пресс ТИЖ", "Оптовик", "БВВ", "Даракчи", "Восточные вести" сингари газета ва журналлар халқимиз орасида анча оммалашиб кетди. Улар билан бир қаторда янги йўналишдаги радиостанция ва телестудиялар ҳам фаолият юрита бошлади. Ана шу оммавий ахборот воситалари ахборот ва реклама оламига янгича усулларни олиб кирди, десак муболаға бўлмайди.



Шу ўринда қайд этилган нашрлар ҳамда радио ва телевидение ўз фаолиятини қай тарзда амалга оширмоқда, бу борадаги Қонун ва бошқа меъёрий ҳужжатларнинг талабларига қанчалик риоя этмоқда, деган саволлар туғилиши шубҳасиз. Чунки ахборот ва реклама бозори ҳозирги вақтда асосий тарғибот-ташвиқот тизими бўлган оммавий ахборот воситаларини кенг кўламда қамраб олди. Бу борада 1998 йил 28 декабрда қабул қилинган "Реклама тўғрисида"ги Қонун ва "Рекламани жойлаштириш тўғрисида"ги Низом йўналишдаги ишларни тартибга солиш ва уларнинг ҳуқуқий асосини яратишда муҳим қадам бўлди. Мазкур Қонун ва Низом талабларини бажариш юзасидан қўмитамиз томонидан бир қанча ишлар амалга оширилди. Хусусан, Қорақалпоғистон Республикаси Давлат матбуот қўмитаси ва вилоят матбуот бошқармаларининг ҳисоботи асосида белгиланган вазифалар доирасида жойлардаги оммавий ахборот воситаларида реклама бўйича қонунчиликка риоя этилиши борасидаги ишларнинг аҳволи мунтазам равишда таҳлил этилиб борилаяпти. Таҳлил натижалари шуни кўрсатмоқдаки, бир нечта газеталарнинг Мустақиллик куни, Наврўз, Янги йил каби умумхалқ шодиёналари арафасидаги сонларида берилаётган реклама ҳажми меъёридан ошиб кетаяпди. Яъни "Реклама тўғрисида"ги Қонуннинг 18-моддаси қўпол равишда бузилмоқда. Масалан, "Қишлоқ ҳаёти" газетасининг шу йил Наврўз байрами арафасида нашр қилинган сонларида берилган рекламалар газета умумий ҳажмининг 50-60 фоизини ташкил этди. "Фидокор" газетасининг Мустақиллик байрами арафасида чоп этилган сентябр сонининг бирлашган нашрида реклама материаллари газета умумий ҳажмининг қарийб 70 фоизини ташкил этган. Бундай ҳолатни "Ўзбекистон овози" газетасининг байрамолди сонларида ҳам кўриш мумкин. Ҳолбуки, "Реклама тўғрисида"ги Қонунда рекламалар газета ҳажмининг 40 фоиздан ортиқ жойини эгалламаслиги лозим.

Бундай камчиликлар бошқа газета ва журналларда ҳам қайд этилди. Ҳозирги пайтда қонун бузилишига йўл қўйган нашрларнинг раҳбарлари Давлат матбуот қўмитаси ва вилоят матбуот бошқармалари томонидан қатъий равишда огоҳлантирилди. Шунга қарамасдан айрим газеталарнинг раҳбарлари "Реклама тўғрисида"ги, "Оммавий ахборот воситалари тўғрисида" ги қонунларнинг талабларига зид равишда маблағ топиш йўлини танлашмоқда.

Мисол тариқасида айтадиган бўлсак, "Ташкентская неделя" ҳафтаномасининг 2001 йил 23 август сонида махсус рухсатномаси бўлмаган контакт линза маҳсулоти ҳақида реклама берилган. Бундан ташқари газетанинг 2-саҳифасида берилган пиво рекламасида қонунда кўрсатилган алкоголли ичимликларнинг зарари ҳақида Соғлиқни сақлаш вазирлигининг огоҳлантирилиши чоп этилмаган. Газетанинг 3-саҳифасидаги мутахассислар тайёрлаш маркази, 26-саҳифасидаги адвокатлар фирмаси хизмати, 27-саҳифасидаги матбаа хизматига оид рекламаларни рухсатдан ўтилганлиги (сертификацияланган) ҳақида маълумот берилмаган. Сейфларни очиш ва концерт тўғрисидаги рекламалар ҳам рухсатнома ҳужжатисиз чоп этилган. Бундай ҳолат дезинфекция қилишга оид рекламага ҳам тегишли. Кейинги пайтларда айрим газета ва журналларда дори-дармонларга оид кўпгина рекламаларда маҳсулот сифатига ҳаддан ташқари ошириб баҳо бериш ҳолатлари ҳам учрамоқда.

(Давоми учинчи бетда)

# БЮРОКРАТЛИКНИНГ БАҲОСИ

Мустақилликка эришган дастлабки йиллардан бошлаб мамлакатимизда тадбиркорлик ҳаракати кўламли тус олди. Ўша кезларда Наманган шаҳрида яшовчи фуқаро Олимжон Жўраев ҳам нафақат шаҳар ва вилоятда, балки республикада биринчилардан бўлиб тадбиркорлик ҳаракатига қўшилди. У 90-йилнинг бошларида мутасадди ташкилотларнинг рухсати билан қонуний равишда «Миролимхон» хусусий савдо ишлаб чиқариш фирмасини ташкил этди. Бу вақтда Наманган шаҳрининг бир нечта жойида ер ости ўтиш йўллари мавжуд бўлиб, улар қаровсизликдан ахлатхонага айланиб ётарди. Шунинг учун бундай ер ости йўлларидан фуқаролар деярли фойдаланмасди. Сир эмас, ўша йиллари шаҳар маъмурияти ер ости йўлларидан фойдаланиш, шу тариқа уларнинг санитария ҳолатини яхшилашни сўраб, қатор давлат ташкилотларига мурожаат этган. Лекин аксарият ҳолларда рад жавоби олинган.

Бирон-бир ташкилот ер ости ўтиш йўлидан фойдаланишга розилик билдирмагач, ўша вақтдаги Наманган шаҳри раҳбарларидан бири тадбиркор Олимжон Жўраевга мурожаат этади. Тадбиркор майли, ер ости йўлларининг озодлигини сақлаб, улардан халқ манфаати йўлида фойдаланганим бўлсин, дея ишга киришади.

Фирма томонидан дастлаб Испархон даҳасидаги Навоий ва Марғилон номидаги кўчалар кесишган ҳудуддаги ер ости ўтиш йўли тартибга солинди. Аввал ер ости йўли таъмирланди, сўнг электрлаштирилди, ичимлик суви келтирилиб, алоқа воситаси ўрнатилди. Унинг тўрт бурчагида тўртта савдо дўкони қурилиб, 12 ишчи ўрни ташкил этилди. Кириш-чиқиш қисмларига темир панжарали дарвозалар, дўконларнинг ичига эса огоҳлантирувчи воситалар ўрнатилди. Ана шу тариқа ер ости йўлининг озодлиги ва муҳофазаси таъминланди. Бу ердаги ҳар бир иш шаҳар архитектура ва лойиҳалаш бошқармасининг чизма лойиҳаси асосида амалга оширилди.

Фирманинг астойдил ҳаракати туфайли тез орада дўконлар ишга тушиб, аҳолига савдо хизмати кўрсатишга киришилди. Бу дўконлар кун бўйи харидорлар билан гавжум бўлар, бу ердаги озодаликни, тартибни кўрган кишининг дўконлардан чиққиси келмасди. Тадбиркор томонидан ер ости йўлагида савдо хизмати намунали йўлга қўйганидан шаҳар раҳбарлари ҳам мамнун бўлишди.

Шундан сўнг шаҳар раҳбарлари «Миролимхон» фирмаси уддабурон чиқиб қолди», дейишиб, унга Уйчи ва Навоий номидаги кўчаларининг кесишган ҳудудидаги ҳамда Машраб номидаги кўчада ташландиқ ҳолда ётган 2 та ер ости ўтиш йўлини ҳам таъмирлаб, савдо дўконлари очиб, обод қилиш вазифаси юклатилди. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, бу топшириқларни ҳам тадбиркор қойилмақом қилиб амалга оширди. Барча иш мутасадди ташкилотлар билан келишган ҳолда қонун-қоида асосида амалга оширилди. Шу билан бирга фирма қонунда белгиланган тартибда давлатга барча турдаги солиқларни тўлаб турди. Дўконларнинг ишидан шаҳарликларгина эмас, балки келаётган меҳмонлар ҳам мамнун эди. Энг муҳими, фирма маҳаллий бюджетга маълум даражада тушум тушириб, давлат хазинасини тўлдиришга ҳисса қўшаётган эди.

Иш ана шу тарзда давом этар, дўконларда 62 нафар ишчи хизмат кўрсатарди. Савдо-сотиқ қизиб турган кунларнинг бирида (1998 йил) фирмага нохуш хабар келди: Ҳе йўқ, бе йўқ, Испархон даҳасидаги ер ости ўтиш йўлига жойлашган дўконларни кўккисдан бузишга шаҳар ҳокими оғзаки буйруқ берганмиш: «Миролимхон» фирмасида ишловчилар бу хабардан ҳанг-манг бўлишди. Тадбиркорнинг ҳам боши қотди. Нима учун шундай бўлаётганини, ҳоким нега бундай йўл тутаётганини, уни бунга нима мажбур этганини тушунолмай қолди. Жуда катта маблағ эвазига қурилган дўконларни бирдан бузиш қонунга зид иш эди. Ер ости дўконига кириб келган шаҳар ҳокимининг ўринбосари Мурод Камолов ҳам «ҳокимнинг буйруғи бор, дўконларни тезда бузасанлар», деди. Ҳокимиятдагилар тадбиркорнинг «Бу дўконларни фирма маблағи ҳисобига қурганмиз, уларни нега бузар эканмиз, аввал, сарф-харажатлар тўғрисида далолатнома тузайлик», деган илтимосига қулоқ солишмади. Аксинча, ҳокимлик томонидан «Мехмаш» ва «Наманганмаш» заводларининг ишчилари чақиртирилиб ер ости йўлидаги дўконлар тез орада мажбуран бузиб ташланди. Уларнинг ўрни яна харобазорга айланди-қўйди.

Орадан ҳеч қанча вақт ўтмай, яъни 2000 йилнинг 16 августида шаҳар ҳокими 108-ф-сонли фармойиш қабул қилди. Унда шаҳардаги ер ости ўтиш йўлларида рухсатсиз қурилган дўконлар бузиб ташланиши кўрсатилган эди. Ушбу фармойиш баҳонасида «Миролимхон» фирмасининг Уйчи ва Навоий номидаги кўчаларининг кесишган қисмидаги ва Машраб номидаги кўчада жойлашган 2 та ер ости ўтиш йўлидаги дўконлар ҳам ҳокимлик томонидан шаҳар коммунал хўжалиги бошқармасининг ишчилари чақиртирилиб, уларнинг кучи билан бузилди.

— Ахир, ҳокимнинг фармойишида бизнинг дўконлар кўрсатилмаган, улар қонунга мувофиқ қурилган, майли, бузилишига қарши эмасмиз, лекин мулк хусусий, аввал мутахассислар комиссиясини тузиб, унинг хулосасига қараб, иш тутайлик, бизга бошқа жойдан дўкон очишга рухсат берилиши керак, — дея тадбиркор шаҳар ҳокимлигига келди. Афсуски, ҳокимликда тадбиркорнинг арзига ҳеч ким қулоқ солмади.

Шаҳар ҳокимлигининг тадбиркорнинг хоҳиш-иродасини ҳисобга олмай мажбуран амалга оширган бу иш асоссиз эди. Қонун нуқтаи назаридан қараганда, бундай ҳолат хусусий мулкка зиддир. Ҳолбуки, хусусий мулкнинг дахлсизлиги ва мутлоқлиги Республика Конституциясида ва бошқа қонунлар билан кафолатланган. Қолаверса, 62 ишчи ўрни йўқотилди.

Тадбиркор Олимжон Жўраев нима қилишини билмай охири етказилган зарарни ундириб бериш ва поймол этилган ҳақ-ҳуқуқини ҳимоя қилишни сўраб, вилоят адлия бошқармасига ариза билан мурожаат этди. Адлия бошқармаси тадбиркорни ўз ҳимоясига олди. Унга етказилган зарарнинг сабаблари ҳар томонлама ўрганилиб чиқилди. Шаҳар ҳокимлигига тадбиркорга етказилган зарарни тўлаш юзасидан тақдимнома киритилди. Аммо ҳокимликдагилар тадбиркорга нисбатан амалга оширилган зўравонликни тан олишни исташмади. Аниқроғи, қонунни писанд этишмади. Шундан кейин барча ҳужжатлар тўпланиб, тадбиркорга нисбатан амалга оширилган қонунбузарлик ҳолатини кўриб чиқиш учун ишни судга ошириш адлия бошқармаси томонидан маъқул деб топилди. Фуқаролик ишлари бўйича Наманган туманлараро суди «Миролимхон» хусусий савдо ишлаб чиқариш фирмасининг шаҳар ҳокимлигига нисбатан киритган даъво аризасини кўришга тушди. Ишни қуришдан аввал суд «Миролимхон» хусусий фирмасига етказилган моддий зарарни ҳар томонлама қонуний равишда асослаб беришни сўраб, Х.Сулайманова номидаги республика илмий тадқиқот ва криминиластик Марказига мурожаат этди. Марказ бу иш билан 2 ой шуғулланди, охири суд экспертизаси 2001 йилнинг 13 июлида тадбиркор фойдасига 254/16-сонли ўз хулосасини берди. Фуқаролик ишлари бўйича Наманган туманлараро судининг судьяси П.Жалилов раислигида 31 июл куни бўлиб ўтган суд мажлиси иш материалларини ўрганиб чиқди. Гувоҳларнинг баёнотини тинглаб, эксперт хулосасини муҳокама этиб ўзининг қарорини чиқарди. Суд қарорида жумладан, шундай дейилди: **«Даъвогар Наманган шаҳар «Миролимхон» хусусий савдо ишлаб чиқариш фирмасининг Наманган шаҳар ҳокимлигига нисбатан келтирган даъвоси қисман қаноатлантирилсин. Наманган шаҳар ҳокимлигининг 2000 йил 16 август кунги** 108-ф-сонли фармойишининг 2-банди бекор қилинсин. Даъвогар «Миролимхон» хусусий савдо ишлаб чиқариш фирмасига ва унинг соҳиби О.Жўраев фойдасига етказилган 11022453 сўм моддий ва 500000 сўм маънавий зарар Наманган шаҳар ҳокимлиги зараридан ундирилсин. Наманган шаҳар ҳокимлиги зараридан давлат фойдасига 2204490 сўм давлат божи ва судлар департаментининг Наманган вилоят худудий бўлимига қурилиш экспертизаси ўтказиш учун сарфланган 14226 сўм ундирилсин».

Шаҳар ҳокимлиги тадбиркорга нисбатан ўйламай-нетмай қаршилик қилмаганида, қолаверса, ҳоким М.Тожибоев томошабин бўлмай, ишнинг кескинлашиб кетишига йўл қўймаганида, табиийки, бундай кўнгилсизлик келиб чиқмаган бўларди. Ҳокимликда ҳуқуқшунос вазифасида ишлайдиган Б.Ортиқов ҳам ҳокимликнинг тадбиркорга нисбатан тутган нотўғри йўлини суд мажлисида ҳимоя қила олмади. Чунки қонун тадбиркор томонидан бўлгандан кейин у нима ҳам қила оларди?!

Суд қароридан шаҳар ҳокимлиги жим турди дейсизми?! Йўқ. Ҳокимлик фуқаролик ишлари бўйича Наманган туманлараро судининг қароридан норози бўлиб апелляция шикояти келтирди. Фуқаролик ишлари бўйича вилоят судининг 5 сентябр куни бўлиб ўтган апелляция суди мажлисида иш қайта кўриб чиқилиб, туманлараро фуқаролик судининг ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилди.

Ниҳоят, шаҳарда «Миролимхон» фирмасининг етакчиси шаҳар ҳокимлигини судга берганмиш, деган миш-мишлар барҳам топди. Яшириб нима, кўпчилик «судда ҳокимлик ғалаба қозонади» деб ўйлаган эди. Бироқ бундай бўлмади. Чунки қонун ҳам, суд ҳам ҳақ томонда, яъни тадбиркор томонида эди.

Энди масаланинг бошқа томонига эътибор қаратайлик. Хўш, фирма фойдасига 11022453 сўм моддий ва 500000 сўм маънавий зарар қайси ҳисобдан ундириладди. Бозор иқтисодиёти шароитида ҳокимлик шунча миқдордаги пулни қаердан олиши мумкин? Ёки бу харажатлар яна турли ташкилот ва фирмалар гарданига юкланадими? Бизнингча, бу пулни «Миролимхон» фирмасига нисбатан қонунсиз фармойиш қабул қилинишига йўл қўйган шаҳар ҳокими М.Тожибоев ва унинг атрофидагиларнинг чўнтагидан қопланиши керак.

Хулоса қилиб шуни айтиш жоизки, тадбиркорлар Президентмиз ҳимоясида. Улар республика қонунлари билан қўриқланади. Шундай экан, маҳаллий ҳокимликлар ва мансабдор шахсларнинг тадбиркорларга қонунларда кўрсатилмаган зўровонликларни ишлатиш, уларнинг хусусий мулкига тажовуз қилишга ҳаққи йўқ. Наманган шаҳар ҳокимлигининг хатоси бу борада сабоқ бўлса, ажаб эмас.

**Ҳ. ИБРОҲИМОВ**

# ТАДБИРКОРЛАР ҚОНУН ҲИМОЯСИДА

Мамлакатимизда бугунги кунда тадбиркорлик фаолиятига иқтисодиётимизнинг муҳим таянчларидан бири сифатида қаралаётгани, бу борада барча шарт-шароитлар яратиб берилаётгани ҳар биримизни, шубҳасиз, қувонтиради. Нега деганда, айрим тадбиркорлик фаолияти воситасида халқимизнинг яратувчилик ва бунёдкорли салоҳияти ҳам тўла намоён бўлмоқда. Шу билан бирга ҳаётда ҳали бу эзгу ишга тўсиқ бўладиган муаммо ва камчиликлар йўқ эмас.

Жумладан, одамлар онгида тадбиркорликка муносабатни ўзгартириш, тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олиш тартибини соддалаштириш, бу соҳани коррупция тазйиқидан, ҳуқуқ, назорат, текширув ва тафтиш тузилмаларидаги айрим мансабдорларнинг ўзбошимчаликларидан ишончли ҳимоя қилиш, кичик ва ўрта бизнес субъектларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишда судларнинг фаолиятини кучайтириш ҳаётий заруратга айланиб қолди. Тадбиркорлар манфаатларини ҳуқуқий ҳимоя қилишга адвокатларни ҳам жалб қилиш, аудиторлик фаолиятининг мавқеини ошириш, ҳуқуқий ҳимоялашни кучайтириш ва шу каби бошқа масалаларга жиддий эътибор қаратиш лозим.

Шу маънода жорий йилнинг 9 ойи мобайнида бошқармамиз томонидан тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва ҳимоя қилиш борасида бир қанча ишлар амалга оширилганини таъкидлаб ўтиш жоиздир.

Ўтган давр мобайнида бошқармамизга тадбиркор ва фермерлардан 235 та ариза-шикоят келиб тушди. Шуларнинг 33 таси ер ололмаётганлик ҳақида бўлса, 8 таси фермер хўжалигининг ноқонуний тугатилганлиги ҳақида, 9 таси мулкни асоссиз олиб қўйганлиги, 14 таси кредит ололмаётганлик, 1 таси эса хусусийлаштириш идораси ҳаракатидан норозилик ҳақидаги мурожаатлардир. Муддати ўтиб кетган дебиторлик қарзларини ундира олмаётган тадбиркорлардан 24 та ариза келиб тушди. Бу аризаларнинг 60 таси бўйича судларга даъво аризалари киритилди. Йўл қўйилган хато-камчиликларни бартараф этиш учун тегишли идораларга 64 та тақдимнома, 6 та огоҳнома, 3 та маъмурий, 3 та жиноий, 75 та интизомий жавобгарликка тортиш тўғрисида таклифлар киритилди. Киритилган тақдимномаларимизга кўра 17 нафар мансабдор шахс интизомий жавобгарликка тортилди.

Таҳлиллардан кўриниб турибдики, вилоятимизда тадбиркорлик субъектларига ер ажратиш бўйича муаммоларга кўпроқ дуч келинмоқда. Бунга туман ҳокимликларидаги ер участкаларини бериш масалаларини кўриб чиқувчи туман комиссиялари фаолиятининг сустлиги сабаб бўлаётир. Аризаларни кўриб чиқиш муддатларига риоя қилинмаяпти. Комиссия таркибининг тез-тез ўзгариб туриши ва бунинг натижасида уларнинг тумандаги ҳақиқий ҳолат билан тўла таниш эмаслиги, хўжалик раҳбарларининг эса ўз ишига совуққонлик билан қарашлари тадбиркорликка тўсиқ бўлмоқда.

Банк муассасалари томонидан тадбиркорларга кредит берилишида ҳам қонун бузилишларга йўл қўйилмоқда. Аниқланган ҳолатлар бўйича киритилган тақдимномаларга кўра 3 нафар банк ходими интизомий жазога тортилди.

Ҳозирга қадар киритилган 60 та даъво аризаларининг 18 таси қаноатлантирилиб, 31 667,139 сўм моддий зарар ундирилди.

Аммо, тан олиб айтиш жоизки, ҳурматли Президентимизнинг бизга кўрсатаётган ғамхўрликлари, имтиёз ва ваколатларидан тўлиқ фойдалана олаётганимиз йўқ. Тадбиркорлик тизимини ҳуқуқий ҳимоя қилиш, уларга тўғри маслаҳатлар бериш, уларнинг қозонларига тушаётган "бегона чўмичлар"ни олиб ташлаш осон кечмайди, албатта. Буюрократик тўсиқлар ва турли тазйиқлардан ҳимояланиш учун ҳар бир фуқаронинг ўзига ҳам ҳуқуқий тафаккур зарурдир.

Ҳуқуқий онг ва тафаккурнинг юқори бўлиши жамият ривожланишида муҳим аҳамиятга эга. Юртбошимиз таъкидлаганидек, ҳуқуқий маданият даражаси фақатгина қонунларни билиш, ҳуқуқ маълумотлардан хабарлар бўлишдангина иборат эмас. У қонунларга амал қилиш ва уларга бўйсиниш маданияти демакдир. Шу билан биргаликда тадбиркорлик руҳини қарор топтириш ҳам биз ҳуқуқшунослар зиммасидаги вазифалардан биридир.

Бошқармамиз томонидан аҳолининг барча қатламлари, шу жумладан, тадбиркорларнинг ҳам ҳуқуқий билимини ошириш мақсадида жорий йилнинг 9 ойи мобайнида туман-шаҳар ҳокимликлари, давлат солиқ бўлимлари, банк, тайёрлов идоралари, тадбиркорлар палаталари, деҳқон фермерлар уюшмалари билан ҳамкорликда 14 марта ўқув семинар машғулотлари ўтказтлиди. Маҳаллий телевидиние ва газеталарда чиқишлар қилиниб, 58 дан ошиқ учрашув ва суҳбатлар ўтказилди. Аммо биз ҳали ушбу кўлам билан чекланмаймиз. Ортиқча ва беъмани текширувлар, тафтишларнинг олдини олиш борасида вазирлигимиз зиммамизга юкланган вазифаларни қатъият билан амалга ошириб бораверамиз.

**Чориёр АЛЛАЁРОВ,**
**Сурхондарё вилоят ҳокимлиги Адлия бошқармаси бошлиғи, 1-даражали адлия маслаҳатчиси**

# УЮШМА ВА ДЕҲҚОН

Деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмаси фермер хўжаликларига ер ажратишда фаол ҳаракат қилиши, фермерлардан тушган аризаларни кўриб чиқиши, қисқаси, фермер хўжаликларининг қонуний ҳуқуқларини ҳимоя қилиши зарур. Хўш, мазкур уюшма ва унинг жойлардаги вакилликлари зиммаларига юклатилган вазифаларни қандай уддаламоқда? Адлия вазирлиги мутахассислари томонидан ўтказилган текширишларда бу борада ҳали кўплаб хато ва камчиликлар борлиги аниқланди.

— Деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмасининг вилоят ва туманлардаги вакилликлари ўз фаолиятида талай камчилик ва нуқсонларга йўл қўяётгани рост, — дейди Адлия вазирлиги бошқарма бошлиғи Давлатназар Матрасулов. — Хусусан, фермер хўжаликларига моддий техника ресурсларини тақсимлаш юзасидан аниқ мезонлар ишлаб чиқилмаган ва фермерларнинг аризалари бўйича минерал ўғит ва нефт маҳсулотларига жамғарма ажратиш тизими жорий этилмаган. Натижада фермер хўжаликлари ўртасида моддий заҳиралар тақсимланишида адолатсизликка йўл қўйилмоқда. Бу эса ўз навбатида қонунларнинг бузилишига ҳам сабаб бўляпти.

Масалан, уюшманинг Навоий вилояти вакиллиги томонидан ажратилган жамғармаларнинг бир қисми ноқонуний равишда вилоят вакиллиги захира жамғармага олиб қўйилган. Жамғармаларни тарқатишда фермер хўжаликлари фаолияти ва экин турларига эътибор бермаяпти. Уйчи туман вакиллиги томонидан фермер хўжаликларини рўйхатдан ўтказиш ҳақидаги аризалар уч ойдан ортиқ муддат равишда ушлаб турилибди.

Шунингдек, уюшма вакилларида фермер ва деҳқон хўжаликларидан келиб тушадиган ариза ва шикоятлар тўлиқ рўйхатга олинмаяпти ва сақланмаяпти. Жумладан, Чуст, Янгиқўрғон, Поп, Уйчи, Наманган туманлари вакилларида "Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида" ги қонун талаблари қўпол равишда бузилган. Амалда уюшма ва унинг вакиллари деҳқон ва фермер хўжаликларининг ҳуқуқларининг ҳимоячиси бўлиши даркор. Аслида эса деҳқон ва фермерлардан тушадиган аъзолик бадаллари ҳисобига кун кўрувчи мазкур ташкилот вакиллари тадбиркорларни ҳимоя қилишга келганда, аввало, ўзи ишни пайсалга солади. Сабаби улар, бир томондан, нуфузли ташкилотларнинг "юзи"дан ўта олмаса, иккинчи томондан, маҳаллий ҳокимликлар деҳқонга нимани раво кўрса, уюшма вакиллари ҳам шунга розилик беришга кўникиб қолган.

**Норгул АБДУРАИМОВА, ЎзА мухбири**

*Ҳуқуқий маслаҳат*

# ТАДБИРКОРЛИКНИНГ ТАЛАБИ НИМА?

**Газетамизнинг ўтган сонида "тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва ҳисобша ўқийиш тартиби тўғрисида"ги низомга мувофиқ тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва ҳисобга қўйиш тартиби ҳақида маълумот берган эдик. Ушбу мавзу ҳам газетхонларда катта қизиқиш уйғотди. Шуни эътиборга олган ҳолда мавзуни яна давом эттиряпмиз.**

**Бу гал рўйхатдан ўтказувчи органга тадбиркорлик субъектларининг айрим тоифалари томонидан тақдим этиладиган ҳужжатлар ҳақида маълумот бермоқчимиз.**

**Уни Адлия вазирлиги бош маслаҳатчиси Фозилжон Фариков шарҳлайди.**

Вазирлар Маҳкамасининг "тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва ҳисобга қўйиш тўғрисида"ги 347-қарорига асосан қабул қилинган Низомда тадбиркорлик субъектларининг айрим тоифалари учун талаб қилинадиган ҳужжатлар аниқ кўрсатиб берилган.

Маълумки, илгариги тартибларга биноан тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказишда ортиқча ҳужжатларни талаб қилиш ҳоллари учраб турарди. Чунки бу жараён кўплаб ҳукумат қарорлари асосида амалга ошириларди. Бу борада ягона бир тизим бўлмаганлиги боис рўйхатдан ўтказувчи давлат идоралари ишларида ҳам англашилмовчиликлар бўлиб турарди. Ва бунинг оқибатида тадбиркорлар бўлар-бўлмасга сарсон-саргардон бўлишарди. Энди бу жараён аниқ бир тизим тарзида шаклланди ва бу тадбиркорлар учун жуда катта қулайликлар туғдиради.

Мазкур Низомга асосан **якка тартибдаги тадбиркорларни** давлат рўйхатидан ўтказиш учун якка тартибдаги тадбиркор томонидан туманлар (шаҳарлар) ҳокимликларига — Ўз яшаш жойидаги рўйхатдан ўтказувчи органга (шахсан ўзи келиб) мазкур Низомдаги 4 иловага мувофиқ шакл бўйича давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисидаги ариза берилади.

Давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисидаги аризага 3Х4 ўлчамли иккита фотосурат; рўйхатдан ўтказиш йиғимининг белгиланган миқдори тўланганлиги тўғрисидаги банк тўлов ҳужжати, муҳр ва штамп эскизлари уч нусхада тақдим этилади ҳамда паспорт кўрсатилади.

Агар жисмоний шахс аризада тадбиркорлик фаолияти амалга ошириладиган жой деб ушбу мақсадлар учун жойлардаги давлат ҳокимияти органлари томонидан белгиланмаган жойни кўрсатса, қўшимча равишда унда бундай жой мавжудлигини тасдиқловчи ҳужжат тақдим этилади (мулкчилик ҳуқукига бўлган далолатнома, бинони сотиб олишга, ижарага олишга шартнома ёки бино ижараси тўғрисида ижарага берувчининг кафолат хати, ўз фаолиятини турар жой биносида амалга ошириш нияти бўлган тақдирда турар жой биносини турар жойга мўлжалланмаган бинога ўтказиш тўғрисидаги далолатнома).

**Хусусий корхоналарни** давлат рўйхатидан ўтказиш учун хусусий корхоналар томонидан рўйхатдан ўтказувчи органга мазкур Низом баён этилган 3-иловага мувофиқ шакл бўйича давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисида ариза тақдим этилади (шахсан ўзи келиб ёки почта орқали). Аризага қуйидагилар илова қилинади:

— корхона Низомининг нотариал тасдиқланган икки асл нусхаси;

— тадбиркорлик фаолияти субъектининг почта манзилини тасдиқловчи ҳужжат; Давлат божи ёки рўйхатдан ўтказиш йиғимининг белгиланган миқдори тўланганлиги ҳақида банк тўлов ҳужжати;

шаҳарлар (туманлар) ҳокимликларининг ваколатли органлари томонидан берилган фирма номи тўғрисидаги гувохнома;

— муҳр ва штамп эскизлари уч нусхада.

**Масъулияти чекланган ва қўшимча мажбуриятли жамиятлар.** Масъулияти чекланган ва қўшимча мажбуриятли жамиятларни давлат рўйхатидан ўтказиш учун рўйхатдан ўтказувчи органга мазкур Низомга 3-иловага мувофиқ шакл бўйича рўйхатдан ўтказиш тўғрисида ариза тақдим этилади (шахсан ўзи келиб ёки почта орқали). Аризага қуйидагилар илова қилинади:

— масъулияти чекланган ва қўшимча мажбуриятли жамиятлар учун — Низом ва таъсис шартномасининг нотариал тасдиқланган икки асл нусхаси. Жамият бир шахс томонидан таъсис этилган тақдирда, у томонидан ва нотариал тасдиқланган Низом;

— тадбиркорлик фаолияти субъектининг почта манзилини тасдиқловчи ҳужжат;

— давлат божи ёки рўйхатдан ўтказиш йиғимининг белгиланган миқдори тўланганлиги ҳақида банк тўлов ҳужжати;

— шаҳарлар (туманлар) хокимликларининг ваколатли органлари томонидан берилган фирма номи тўғрисидаги гувохнома;

— муассисларнинг ҳар бири томонидан таъсис ҳужжатларида кўрсатилган ўз улушининг камида 30 фоизи низомига қўшилганлигини тасдиқловчи банкнинг маълумотномаси. Тадбиркорлик субъектининг низом жамғармаси ёки унинг бир қисми мулкий улуш (кўчмас мулк, асбоб-ускуналар ва ҳоказолар) ёки интеллектуал мулк ҳисобига шакллантирилган тақдирда

— банк маълумотномаси талаб этилмайди, таъсис ҳужжатларида низом жамғармаси шакллантириш манбалари кўрсатилиши муассислар ниятининг тасдиқи ҳисобланади,

— муҳр ва штамп эскизлари уч нусхада.

**Деҳқон хўжаликлари (юридик шахслар).**

Деҳқон хўжаликларини (юридик шахсларни) давлат рўйхатидан ўтказиш учун туманлар (шаҳарлар) ҳокимликларига (шахсан ўзи келиб ёки почта оркали) мазкур Низомга 3-иловага мувофиқ шакл бўйича давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисида ариза тақдим этилади. Аризага қуйидагилар илова қилинади:

— қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) умумий йиғилишининг ёки юқори бошқарув органининг, ёхуд бошқа кишлок хўжалиги корхонаси иш берувчиси (маъмуриятининг хўжалик ташкил этиш тўғрисидаги қарори;

Уставнинг нотариал тасдиқланган икки асл нусхаси;

— шаҳарлар (туманлар) ҳокимликларининг ваколатли органлари томонидан берилган фирма номи тўғрисидаги гувоҳнома;

— муҳр ва штамп эскизлари уч нусхада.

**Юридик шахс бўлмасдан ташкил этилган деҳқон хўжалиги.**

Юридик шахс бўлмасдан ташкил этиладиган деҳқон хўжалигини давлат рўйхатидан ўтказиш учун туманлар (шаҳарлар) ҳокимликларига (шахсан ўзи келиб) мазкур Низомга 4-иловага мувофиқ шакл бўйича давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисида ариза тақдим этилади. Аризага қуйидагилар илова қилинади: қишлок хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) умумий йиғи-лишининг ёки юқори бошқарув органининг ёхуд бошқа қишлоқ хўжалиги корхонаси иш берувчиси (маъмуриятининг хўжалик ташкил этиш тўғрисидаги қарори; паспорт кўрсатилади.

**Фермер хўжалиги.**

Давлат рўйхатидан ўтказиш учун фермер хўжалиги томонидан туманлар (шаҳарлар) хокимликларига — рўйхатдан ўтказувчи органга — (шахсан ўзи келиб ёки почта орқали) мазкур Низомга 3-иловага мувофиқ шакл бўйича давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисида ариза тақдим этилади. Аризага қуйидагилар илова қилинади:

қишлоқ; хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) умумий йиғи-лишининг ёки юқори бошқарув органининг хўжалик ташкил этиш тўғрисидаги қарори ёхуд бошқа қишлоқ хўжалиги корхонасининг иш берувчиси (маъмуриятининг фермер хўжалиги ташкил этиш тўғрисидаги қарори;

Низомнинг нотариал тасдиқланган икки асл нусхаси;

— тадбиркорлик фаолияти субъектининг почта манзилини тасдиқловчи ҳужжат;

— давлат божи ёки рўйхатдан ўтказиш йиғимининг белгиланган миқдори тўланганлиги ҳақида банк тўлов ҳужжати;

— шаҳарлар (туманлар) ҳокимликларининг ваколатли органлари томонидан берилган фирма номи тўғрисидаги гувоҳнома;

— ҳокимликлар томонидан ташкил этиладиган танлов комиссиясининг ер участкаси бериш тўғрисидаги баённомаси, товар қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши ташкил этишнинг бизнес режаси нусхалари;

муҳр ва штамп эскизлари уч нусхада.

## Бозорлар — юрт кўрки



# ЮТУҚЛАРИМИЗ ОМИЛИ — ЯНГИЧА ДУНЁҚАРАШ

***Буюк ўзгаришлар даврида яшамоқдамиз. Шу боис ҳар бир киши, айниқса, раҳбар ходим ўз ишининг билимдони бўлиши, узоқни кўра олиш қобилияти билан ажралиб туриши, изланувчан ва ташаббускорлиги билан одамларни олдинга ундаши зарур. Раҳбар қўлостидагиларга меҳр кўзи билан қараб, уларнинг ишонган тоғи бўлолсагина одамлар унга ишонади. Ҳузурига ёрдам сўраб келувчиларнинг дардларини тушуна билиш, уларга имкон қадар ёрдам бериш раҳбарнинг бурчи бўлмоғи лозим.***

— Раҳбар сифатида шуни қўшимча қилишим мумкинки, туманимиз олти-етти йиллаб пахта тайёрлаш режасини бажара олмагани боис, хўжаликлар деярли "ўтириб" қолган эди, — деб гап бошлади суҳбатдошимиз, **Пискент туман ҳокими Абдували ҒОФУРОВ.** — Бу ҳол ўз навбатида туман иқтисодига салбий таъсир кўрсатган эди. Шундай оғир шароитда иш бошлаганмиз. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, ишимизни изга солишда Юртбошимизнинг "Қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилишда, энг аввало, колхозлар ўрнига ширкат ва фермер хўжаликлари ташкил этишга, жамоада оила пудратини жорий этишга асосий эътиборни қаратмоқ керак" деган кўрсатмаларига амал қилдик. Ҳозирги кунда тумандаги мавжуд 11 та жамоа хўжалигидан 9 таси ширкат хўжалигига айлантирилган. Шунингдек, туманимизда жами 4303 нафар оилавий пудратчилар мавжуд бўлиб, уларга 15309 гектар ер ижарага берилган. Шундан 7992 гектари 2524 нафар пахтакор оилавий пудратчига, 6742 гектари 1555 нафар ғаллакор оилавий пудратчига, 575 гектари бошқа экинлар экиш учун 224 нафар оилавий пудратчига тақсимланган. Бу борада асосий эътибор шартнома муносабатларининг аниқ бажарилишига қаратилган. Энг асосийси эса деҳқонларимиз онгида ўз ерига ҳақиқий хўжайинлик ҳисси шаклланганидир.

Бундан ташқари туманда фаолият юритаётган 858 та фермер хўжалиги асосий иқтисодий таянчимиз ҳисобланади. Шу боис фермерларимизнинг ҳуқуқий ҳимоясини таъминлашни биринчи даражали вазифа деб қараяпмиз.

Қишлоқ хўжалиги соҳасида ўтказилаётган ислоҳотлар ҳам ўз самарасини бермоқда. Бозор иқтисодиётига ўтиш даври қийинчиликларига дош бера олмай қолган "Пискент" ва А.Дўстбеков номидаги жамоа хўжаликлари санацияга тушиб қолган эди. Улар ширкат хўжалигига айлантирилгач, қарз ботқоғидан чиқиб, ўзининг молиявий аҳволини яхшилаб олди.

Кенг кўламли тадбирлар натижаси ўлароқ туманимиз пахтакорлари куни кеча пахта тайёрлаш йиллик режасини уддалашди. Бу йил шунингдек, пилла тайёрлаш режасини ҳам ортиғи билан бажардик. Давлатга режадаги 80 тонна ўрнига 88,5 тонна юқори сифатли пилла топширилди.

Ғалла етиштириш бўйича ўртача ҳосилдорлик 43,5 центнерни ташкил этди. Давлат буюртмасидан ташқари етиштирилган 13814 тонна ғалла хўжалик аъзоларига ва кам таъминланган оилаларга бўлиб берилди.

— **Сир эмаски, иқтисодий соҳада рўй берган муваффақиятлар энг аввало, ижтимоий-маънавий соҳаларда ўз аксини топа бошлайди. Бу борада амалга оширилаётган ишларга ҳам тўхталиб ўтсангиз.**

— Дарҳақиқат, туман иқтисодиётидаги оқсашлар биринчи навбатда туманнинг ижтимоий-маънавий ҳаётига ҳам салбий таъсир ўтказганди. Аксарият қишлоқларда бошланган мактаблар ва касалхоналар қурилиши чала қолиб кетган эди. Қарзга ботиб кетган хўжаликларнинг давлат солиқ тўловларини ҳам тўлай олмаётганликлари сабабли одамлар пенсия ва нафақа пулларини ололмай сарсон эди. Бугунги кунда аҳвол тубдан ўзгарди. Ўтган уч-тўрт йил мобайнида энг замонавий тиббиёт ускуналари билан жиҳозланган 2 та врачлик амбулаторияси, коллеж биноси, 2 та ўрта мактаб ва тез тиббий ёрдам кўрсатиш пункти қурилиб, фойдаланишга топширилди. Мустақиллигимизнинг 10 йиллиги арафасида яна 10 га яқин маиший-савдо шахобчалари, 2 та хусусий ғишт заводи ва 38-мактаб учун қурилган 140 ўринли янги бино ишга туширилди. Бундан ташқари 4,5 км масофадаги йўлларга асфальт ётқизилиб, кўчаларга янги ва замонавий ёритгичлар ўрнатилди. Бу каби юмушларни бажаришимизда туманимиздаги мавжуд кичик ва ўрта корхоналар яқиндан ёрдам бераяпти.

Ҳозирги кунда туманимизда 1 та қўшма корхона, 111 та хусусий корхона фаолият кўрсатмоқда. 1991 йилда иш бошлаган "Ёқуббек" хусусий корхонаси ҳақида алоҳида таъкидлашни истардим. Ушбу корхона бугунги кунга келиб тўлақонли корхонага айлантирилди. Унинг қошида яна бир неча кичик корхоналар ташкил этилди. Ушбу корхона томонидан халқимизнинг қадимий меъморчилик анъаналари асосида қурилган "Саодат" кошонаси, "Соғлом авлод учун" биноси, стоматологик поликлиника, бир нечта дўкон ва чойхоналар туманимиз аҳолисига совға қилинди.

Шунингдек, "Сардорхон", "Мезон", "Сарбон" каби хусусий корхоналар ҳам туманимиз иқтисодини юксалтириш, маънавий-ижтимоий соҳаларини ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшмоқда.

Бундан ташқари тадбиркор Ҳакимжон Жўраевнинг саъй-ҳаракатлари билан банкрот ҳолатига тушиб қолган "Каноп" фабрикаси ўрнида замонавий технологияга эга бўлган "Брезент" ишлаб чиқариш қўшма корхонаси бунёд этилди. Чехиялик ишбилармонлар билан ҳамкорликда фаолият кўрсатаётган мазкур қўшма корхона республикамизда ягонадир.

Кичик ва ўрта бўғин тадбиркорликни янада қўллаб-қувватлаш мақсадида банкларимиз томонидан тадбиркор ва ишбилармонлар учун шу йилнинг ўтган 6 ойи давомида жами 270 млн. сўм кредит маблағи берилди.

Президентимизнинг Вазирлар Маҳкамасининг жорий йилнинг биринчи ярми якунларига бағишланган йиғилишида кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш, хусусий тадбиркорликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашда амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар ва ечимини кутаётган муаммоларни бартараф этиш борасидаги кўрсатмалари иш фаолиятимизда асосий дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда.

**Тўхтамурод ҲАСАНБОЕВ**
**суҳбатлашди**

*Ҳуқуқий маърифат*

# ГУМОНДОР КИМ?

Гумондор тушунчаси қонунчиликда жиноят содир этишда гумон қилиниб, суриштирув органи ёки терговчи томонидан ушланган ёки айб эълон қилингунга қадар эҳтиёт чораси қўлланилган шахсга нисбатан айтилади. Бирон-бир шахсдан гумон қилиш учун етарли қонуний асослар мавжуд бўлиши лозим.

Қонун бўйича жиноят содир этишда гумон қилинган шахс жиноят устида ёки жиноят содир этгандан кейин қўлга тушса, тегишли маҳкамаларда ушлаб турилиши мумкин. Бундай ҳолат эса гумон қилинувчини ушлаб туриш учун унга тегишли айблов ва оқловчи далиллар йиғилишини тақазо этади. Шунингдек, гумон қилинувчи гувоҳлар ва жабрланувчилар томонидан жиноят содир этган шахс тариқасида кўрсатилса ёки унинг танаси ёки кийимида, ёнида ёки уйида содир этилган жиноятнинг яққол излари топилса ҳамда уни жиноят содир этишда гумон қилиш учун асос бўладиган маълумотлар мавжуд бўлиб, у қочмоқчи бўлса ёки доимий яшайдиган жойи ёхуд шахси аниқланмаган бўлса, қонун асосида ушлаб турилади.

Ушлаб туриш муддати қонун бўйича 72-соатдан ошмаслиги керак. Агар айб эълон қилингунга қадар эҳтиёт чораси қўлланилган бўлса, шахсни гумондор деб ҳисоблаш ўн суткага қадар давом этиши мумкин. Бундай ҳолатда ушлаб туриш ҳақида тузилган баённомада бунинг сабаб ва асослари батафсил кўрсатилади ва у гувоҳларга таништирилади. Эҳтиёт чорасининг қўлланиш ҳақидаги асослантирувчи қарорда шахс қандай жиноятни содир этишда гумон қилингани аниқ кўрсатилиши шарт.

Энди гумондорларни ушлаш масаласига тўхталадиган бўлсак, милиция ёки бошқа суриштирув органининг ходими ҳамда муомалага лаёқатли ҳар қандай шахс жиноят содир этишда гумон қилинган шахсни ушлаш ва яқин орадаги ҳуқуқни муҳофаза этувчи органларга олиб келишга ҳақлидир.

Жиноят — процессуал кодекснинг 48-моддасига асосан гумон қилинувчи ўз навбатида қуйидаги ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга: аввало, гумон қилинувчи ўзининг нимадан гумон қилинаётганини билиши; ушлангандан кейин йигирма тўрт соатдан кечиктирмай сўроқ қилинишини талаб қилиши; ўзига нисбатан қўйилган гумон хусусида ва ишнинг бошқа ҳар қандай ҳолатлари бўйича кўрсатувлар беришга ҳақли.

Гумон қилинган шахсга ҳуқуқни муҳофаза этувчи органларга олиб келингандан сўнг бериладиган саволлар уни жиноят содир этишда гумон қилиш билан боғлиқ масалаларга тааллуқли бўлади. Гумондор шахсни сўроқ қилишдан асосий мақсад — уни ушлаб туриш ва қамоқда сақлашга асослар мавжуд эканлигини текшириш ва унга айб қўйиш мумкинми деган масалани ҳал қилишдир. Гумондор шахснинг кўрсатмалари Жиноят — процессуал кодекснинг 81-моддада кўзда тутилган далил-исбот манбаларининг бири ҳисобланади. Шу билан бирга унинг кўрсатмалари ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш воситаларидан биридир. Гумондорга кўрсатмаларида ўзи лозим топган барча далилларни келтириш, илтимослар қўзғатиш, тахминларни илгари суриш имкониятлари берилади. Гумон қилинган шахсга айблов эълон этилгандан сўнг тергов органи томонидан айбланувчи сифатида батафсил сўроқ қилиниши лозим. Гумон қилинган шахснинг ўз айбга иқрорлиги иш бўйича мавжуд бошқа далиллар билан бирга тўла исботини топган тақдирдагина айблов учун асос бўлади.

Агар тергов материаллари билан шахсан жиноят содир этишда гумон қилиш учун асослар йўққа чиқса-ю, лекин унинг иш ҳолатлари юзасидан берган кўрсатувлари жиддий аҳамиятга эга бўлса, уни гувоҳ сифатида сўроқ қилиш мумкин. Бундан ташқари, гумон қилинувчи она тилидан ва таржимон хизматидан фойдаланиш; гумон қилинувчи деб эътироф этилганлиги тўғрисидаги қарор унга маълум қилинган пайтдан ёки ушланган пайтдан бошлаб ҳимоячи олиш ва сўроқ тугагандан сўнг у билан ҳоли учрашиш; ҳуқуқларини ҳимоя қилишга оид илтимоснома бериш ва рад этиш, далиллар тақдим этиш, суриштирувчи ёки терговчининг рўйхати билан тергов ҳаракатларида жумладан, кўздан кечириш, тергов эксприментини ўтказишда қатнашиш ҳуқуқига эга.

Гумон қилинувчи шахснинг суриштирувчи, терговчи, прокурор ва судянинг хатти-ҳаракатлари ҳамда қарорлари устидан шикоятлар бериш ҳуқуқ қонун асосида кафолатланган.

Гумон қилинувчи шахсни суд-тиббий ёки суд—психиатрия экспертизаси ўтказиш учун суд-тиббий муассасига ёки стационар кузатувига юборишдан олдин терговчи экспертиза тайинлаш ҳақида қарор билан уни таништириши шарт.

Шахсни гумон қилинувчи тариқасида ушлаб туриш муддати стационар суд-психатрия экспертизаси томомлагунга қадар тугаса, гумон қилинувчининг руҳий ҳолати имкони берса, унга айблов эълон қилиш ёки уни тиббий муассасадан озод этиш ёхуд унга тиббий йўсиндаги мажбурлов чорасини қўллаш бўйича иш юргизилаётган шахс сифатида белгиловчи қарор чиқариш лозим бўлади.

Гумон қилинувчи суриштирувчи, терговчи, прокурор ва судянинг ҳаракатлари ҳамда қарорлари устидан шикоятлар бериш ҳуқуқига эга.

Гумон қилинувчи шахс қайд этилган ҳуқуқларга эга бўлиш баробарида бир қанча мажбуриятларга ҳам эга. Суриштирувчи, терговчи ва прокурорнинг чақирувига биноан тегишли маҳкамада ҳозир бўлиш, суриштирув ва дастлабки терговда иштирок этишдан бош тортмаслик, далилларни йўқ қилиш, сохталаштириш, гувоҳларни кўндиришга уриниш каби қонунга хилоф ҳаракатлар билан терговга тўсқинлик қилмаслик, суриштирувчи, терговчи, прокурорнинг гувоҳлантириш, эксперт текшируви учун намуналар олиш, экспертиза ўтказиш учун тиббий муассасага жойлаштириш тўғрисидаги қарорлари ва жиноят процессуал кодексида назарда тутилган бошқа процессуал қарорлар ижро этилишига тўсқинлик қилмаслик; ишнинг тергов қилиш тартибига риоя этиш сингари шартлар ана шундай мажбуриятлар сирасига киради.

Гумон қилинувчи зиммасига кўрсатма бериш, шунингдек, ўзининг жиноятга алоқадор эмаслигини ёки ишнинг бирор ҳолатларини исботлаш мажбурияти юкланиши мумкин эмас.

Хулоса ўрнида шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, гумон қилинган шахснинг ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини яхши билиши жиноят ишининг очилишида, шунингдек, суриштирув ва тергов ишларида катта аҳамиятга эга.

**Шуҳрат ҲОЖИБОЕВ,**
**ҳуқуқшунос**


*Табиатнинг тош қалъаси*

*Қонунчилик тарихи*

# "ТЕМУР ТУЗУКЛАРИ" САБОҒИ

Ҳар қандай давлатнинг куч-қудрати ва умрбоқийлиги унинг ҳуқуқий асослари билан изоҳланади.

Соҳибқирон салтанатида жиноят ва жазо масалалари асосан "тузуклар" асосида ҳал этилган. Масалан, молия вазирлари қўл остидаги мол-мулкдан давлатга хиёнат қилиб ўзлаштириб олган бўлса ва у ўзларига тааллуқли маошга тенг бўлса, ўзлаштириб олган маблағи давлат хазинасига берилган инъом сифатида қайтариб олинган. Агарда унинг миқдори маошидан икки баробар ортиқ бўлса, оладиган маош ҳисобидан ушлаб қолинган, уч баробар ортиқ бўлса, вазирнинг бутун мол-мулки давлатга тортиқ сифатида олинган. Агар сипоҳий қўл остидаги кишига зулум ўтказса (бунда хизмат доирасидан четга чиқиш назарда тутилган), унда сипоҳий жабрланувчилар ихтиёрига топширилган. Агар амалдорлар ўзларидан кичик даражадаги кишиларга зулм ўтказса (ўз ваколат доирасидан чиқиб) уларга мол-мулкига қараб жарима солиш назарда тутилган.

Биринчи ҳолда сипоҳийни жабрланувчи хоҳлаганча жазолаши мумкин бўлган. Амалдорлар эса қилган жиноятларидан жарима тўлаш йўли билан қутилган.

Доруға ва шаҳар ҳокимлари ҳамда уларнинг ходимлари халққа жабр, зулм қилса, уларни ҳам жиноятларга мос ҳолда жазога тортиш назарда тутилган. "Тузуклар"да бирон кишининг айби исботлангач, фақат битта жазо чорасини қўллаш, яъни агар жарима солинса дарра билан урмаслик, дарра урилса жарима солмаслик белгилаб қўйилган. "Тузуклар"да кўпроқ бошқариш тартибига қарши қаратилган жиноятлар ва уларга жазо тайинлаш назарда тутилган. Зўрлик билан ўзга бир кишининг мол-мулкини тортиб олишда унинг мулкини қайтариб олиб бериш чораси қўлланган. Бундан ташқари баданга жароҳат етказиш билан боғлиқ ҳаракатлар — тишни синдириш, кўзни кўр қилиш, қулоқ ва бурини кесиш, шароб ичиш, зино қилиш каби жиноятлар, суд орқали жазоланган. Ўғри ва қароқчилар Чингизхоннинг Ясо қонунлари асосида жазога тортилган бўлса, фасодчи, буруки, нафси ёмон кишилар мамлакатдан бадарға этилган.

"Тузуклар"да фақат бир ўринда тан жазоси ва қатл этиш очиқ-ойдин ёзилган. Бу модда "мамлакат, қўшин ва аҳоли аҳволидан хабардор бўлиб туриш" тузугида мавжуд. Маълумки, ҳар бир чегара шаҳар ва вилоятларга хабарчи котиблар тайинлаган. Улар жойлардаги ҳар бир ўзгаришларни, бўлиб ўтган хабарларни ёзмагани учун бармоқларини кесиш ёки ёлғон хабар ёзса, қўшинга тегишли ишларни яширса қўлини кесиш каби тан жазоларига тортиш, туҳмат ёки ғараз мақсадлар билан ёлғон хабар ёзгани учун эса қатл этиш жазосини бериш назарда тутилган.

Гадойлар ва тиланчилик қилувчиларга нисбатан қуйидаги жазолар қўлланилган: дастлаб мажбурий ишга жалб этиш, кейинчалик тамғалаш, агар шундан кейин ҳам гадойлик қилса узоқ мамлакатларга сотиб юбориш ёки бадарға этиш кўрсатилиб, шу билан гадойликни тугатиш мақсад қилиб қўйилган.

Боя айтиб ўтганимиздек, "тузуклар"нинг иккинчи қисми кўпроқ давлатни бошқариш ва ҳарбий мақсадларга қаратилган. Аммо ҳарбий жиноятларга алоҳида тузук бағишланмаган. Кўпгина ҳарбийлар томонидан ўз хизмат вазифалари билан боғлиқ мажбуриятларни бажармаганлик учун хизматдан ҳайдаш, жанг вақтида итоатсиз қочишни мўлжалласа, бундай кишиларни, қатл этиш назарда тутилган. Агар навкар бирор жойга ҳоким қилинган бўлса-ю, душман билан келишиб унга таслим бўлса, бундай навкар ўлим жазосига ҳукм қилинган. Темурнинг буйруғи қўшинида сўзсиз бажарилиши лозим бўлиб, айниқса, ҳарбий ҳаракатлар вақтларида уни бажармаганлар қатл этилган.

Темурбек саройида кўп вақт бўлиб, сайл ва базмларда иштирок этган испан сайёҳи Клавихо ўз эсдаликларида таниқли ва бой кишини осиш йўли билан, қуйи табақадан чиққан кишини эса бошини танасидан жудо қилиш йўли билан жазолашганини ёзган. Шунингдек, соҳибқирон омонатга хиёнат қилган кишиларни кимлигидан қаъти назар, жуда қаттиқ жазолаган.

Санаб ўтилган жиноят ва жазо турлари соҳибқирон Амур Темур салтанатининг ҳуқуқий пойдевори нечоғлик мустаҳкам бўлганлигининг далолатидир. Улар бугун ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Зеро, қонунчилик тарихини ўрганиш янги қонун лойиҳаларини яратишда ғоят қўл келади.

**Зиёдулла МУҚИМОВ,**
**СамДУ профессори**

# РЕКЛАМАНГИЗ ҚОНУНГА МОСМИ?

*(Боши биринчи бетда)*

Шу билан бирга айрим нашрларда реклама ва эълонларнинг матнларига етарли даражада эътибор берилмаётганини ҳам таъкидлаб ўтиш жоиз. Масалан, "Зарафшон" газетасининг шу йил 1 май сонида "Газдан тўғри фойдаланиш" сарлавҳали реклама эълонида "Газ плитасини ихтиёрий равишда ремонт қилиш" деган ибора қўлланилган. Ваҳоланки, бу ўринда "Ўзбошимчалик билан таъмирлаш" деб ёзилиши лозим эди. Шу газетанинг 17 май сонида "Ўқишга марҳамат" сарлавҳали эълон "саноат ва транспортда ҳисобчиси" каби ғализ жумлалар билан чоп этилган. Самарқанд вилояти ҳокимлиги муассислигидаги "Овози Самарқанд" газетаси тожик тилида нашр этилса-да, тожик, ўзбек ва рус тилларида рекламалар чоп этилмоқда. Уларнинг ўзбек тилидагиси аксарият ҳолларда саводсизларча тайёрланмоқда.

Олий Мажлиснинг Матбуот ва ахборот қўмитаси томонидан "Реклама тўғрисида"ги Қонунининг Сурхондарё вилоятидаги ижроси борасидаги ишлар кўриб чиқилганда бу борада кўплаб камчиликларга йўл қўйилгани маълум бўлди. Хусусан, вилоят телевидениеси ўз дастурларида баъзи кунлари рекламага 10-15 дақиқа, ҳатто ундан ҳам кўп вақт ажратган. Ҳолбуки, телекўрсатувларнинг бир кунлик эфир вақти борйўғи бир соатни ташкил этади. Шундай экан, рекламага ажратилган вақт 6 минут бўлиши керак ("Реклама тўғрисида"ги Қонуннинг 17-моддаси). Вилоятда чоп этилаётган газеталарнинг фаолияти таҳлил этилганда эса реклама тўғрисидаги меъёрий ҳуқуқий ҳужжатларга амал қилмаслик ҳоллари мавжуд эканлиги аниқланди.

> Қонунийлик, аниқлик, ишончлилик, рекламадан фойдаланувчига зарар, шунингдек, маънавий зарар етказмайдиган шакллар ва воситалардан фойдаланиш рекламага доир асосий талаблардир.
>
> Рекламада қуйидагилар таъқиқланади: ишлаб чиқарилиши ёки реализация қилиниши қонун ҳужжатлари билан таъқиқланган маҳсулот тўғрисида ахборот тарқатиш;
>
> жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеига қараб, бошқа ҳолатларга кўра камситиш ёки ўзга шахсларнинг маҳсулотини бадном этиш;
>
> қонун ҳужжатларининг бузилишига олиб келиши мумкин бўлган, фуқароларнинг соғлиғи ёки ҳаётига ва атроф-муҳитга зарар етказувчи ёхуд зарар етказиши мумкин бўлган, шунингдек, хавфсизлик воситаларига эътиборсизлик туйғусини уйғотувчи ҳаракатларга даъват қилиш;
>
> мажбурий сертификатлаштирилиши зарур бўлган ёки ишлаб чиқарилиши ёхуд реализация қилиниши учун махсус рухсатнома (лицензия) бўлиши талаб этиладиган маҳсулотни тегишли сертификати, лицензияси бўлмай туриб реклама қилиш;
>
> агар муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларида бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса, бошқа маҳсулот рекламасида қўлланиладиган умумий ечим, матн, тасвир, мусиқали ёки овозли оҳангларни айнан такрорлаш (тақлид ёки ўхшатма қилиш);
>
> жисмоний шахснинг номи ёки тасвиридан унинг розилигисиз фойдаланиш;
>
> порнографияни тарқатиш.
>
> **"Реклама тўғрисида"ги Қонуннинг 6-моддаси.**

Яқинда қўмитамиз мутахассислари ва "Тасвирий ойина" ижодий бирлашмаси билан ҳамкорликда "Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси" нашриёт уйи нашрларида реклама чоп этиш ишлари қандай йўлга қўйилгани билан танишиб чиқди.

Аниқланишича, даврий нашрларга реклама бевосита нашриёт уйининг реклама хизмати орқали реклама дилерагентликлари ва реклама агентлари (жисмоний шахслар) томонидан қабул қилинар экан.

Бундан ташқари нашриёт уйида рухсатнома олиниши лозим бўлган хизматлар рўйхати тузилган, аммо мажбурий равишда рухсатнома олиши лозим бўлган маҳсулотлар рўйхати тузилмаган. Қолаверса, мамлакатимизда қонуний кучга эга бўлган рухсатномаларнинг тури ва шакли ҳам кўрсатилмаган.

Нашриёт уйининг рекламани жойлаштириш бўйича Низом шартномасига қуйидаги модда киритилган: "Реклама берувчи ўз эълонларининг мазмуни учун тўлиқ жавоб беради ва уларнинг "Реклама тўғрисида"ги Қонунга ва бошқа меъёрий ҳужжатларга тўла мос келишига амал қилади. Реклама берувчи шартномага имзо чекиб, унда ўз реквизитларини тўлиқ кўрсатади ва муҳр босади, реклама эълонлари тўғрилиги учун жавобгарликни ўз зиммасига олади". Аммо "Пресс-ТИЖ-TV" журнали шу йилнинг 12 июль сонида "Реклама тўғрисида"ги Қонуннинг 14- ва 23-моддалари талабларини бузиб, журналнинг биринчи бетида яширинча "PINE" сигаретининг рекламасини бериб юборган. Яна шу соннинг 22-бетида "LUCKV STRIKE" сигаретининг рекламасини рус тилида чоп этиб, унинг зарари ҳақидаги матнни ўзбек тилида эълон қилган. Бу ҳолатни қайси мантиққа кўра асослаш таҳририят ҳукмига ҳавола.

Яқинда қўмитамиз Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш Давлат қўмитаси билан биргаликда "Ўзбекистон Республикасида реклама бозорини ривожлантиришнинг долзарб муаммолари"га бағишлаб семинар-кенгаш ўтказди. Унда пойтахт, вилоятлардаги газета ва журналлар, радио ва телевидение воситаларининг Бош муҳаррирлари, тижорат-реклама бюроларининг раҳбарлари иштирок этишди. Анжуманда "Реклама ҳақида"ги Қонун ва "Рекламани жойлаштириш тўғрисида"ги Низом талабларининг бажарилиши атрофлича муҳокама этилди ва бу борада камчиликлар, муаммолар ҳақида атрофлича фикрлашиб олинди.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш жоизки, ҳар бир ишда бўлгани каби реклама материалларини эълон қилишда қонун талабларига қатъий амал қилиш зарур. Рекламани эълон қилаётганда оммавий ахборот воситалари раҳбарлари ундан тушадиган даромадни эмас, истеъмолчи — ўқувчи ва томошабин ҳуқуқини ўйлаб иш юритмоғи лозим. Зеро, истеъмолчи ҳуқуқи Қонун билан ҳимоя қилинади.

# ҚОНУН ИЖОДКОРЛИГИ – ТАРАҚҚИЁТ КАФОЛАТИ

*(Боши биринчи бетда)*

— қонунчиликни такомиллаштириш масалалари;
— мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришга оид;
— акционерлик жамиятлари ва акциядорлаштиришга оид;
— божхона;
— банк ва кредитлашга оид қонунчилик;
— хорижий инвестициялар ва хорижий инвесторлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича;
— қишлоқ хўжалигига оид;
— шартномавий муносабатларга оид;
— юридик шахсларни давлат рўйхатига олиш бўйича;
— айрим фаолият турларини лицензиялаш бўйича;
— тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича;
— банкротлик, санация ва корхоналарни тугатишга оид;
— аудиторлик фаолиятига оид;
— ташқи иқтисодий фаолиятга оид;
— диний экстремизмга қарши кураш бўйича;
— жиноят қонунчилигини такомиллаштириш;
— суд-ҳуқуқ ислоҳотлари бўйича қонунчилик.

Юқорида қайд этилган қонунчилик тармоқлари бўйича вазирликнинг масъул ходимлари, ТДЮ институти профессор-ўқитувчилари, ҳуқуқшунос олимлар ва амалиётчи мутахассислардан иборат таркибда ишчи гуруҳлари тузилиб, иш режалари тасдиқланди. Ишчи гуруҳлари зиммасига қуйидаги вазифалар юклатилди:

— белгиланган мавзулар бўйича амалдаги қонунчиликни ҳамда юридик адабиётларни чуқур ва ҳар томонлама ўрганиб чиқиш;
— шу соҳадаги қонун ҳужжатларининг амалий ижросини тадқиқ қилиш, жумладан, вазирлик томонидан ўтказилаётган текширишлар ҳамда жойлардан олинаётган маълумотлардан фойдаланиш;
— мавжуд муаммоларни таҳлил қилиш, илмий изланишлар олиб бориш ва зарур таклифлар тайёрлаш;
— шу мавзуга оид чет эл қонунчилигини ва тажрибасини ўрганиш;
— амалий натижаларни мунтазам оммавий ахборот воситаларида ёритиб бориш;
— республикамиз миқёсида ўтказилаётган семинар, симпозиум ва бошқа тадбирларда белгиланган мавзуда маърузалар уюштириш ҳамда муҳокамаларда иштирок этиш.

Албатта, ўтган қисқа давр ичида ишчи гуруҳлари томонидан муайян ишлар амалга оширилганини таъкидлаб ўтиш лозим. Аввало шуни айтиш керакки, ҳар бир гуруҳ ўз йўналишидан келиб чиққан ҳолда иш режаси ва дастурлар тайёрланди, муҳокама қилинди.

Шунингдек, гуруҳлар томонидан ҳар бир йўналиш бўйича амалдаги қонун ҳужжатлари атрофлича ўрганилиб, умумлаштирилди ҳамда уларнинг амалиётда қўлланиш даражаси таҳлил қилинди. МДҲ давлатлари ва хорижий давлатларнинг шу соҳаларга доир қонун ҳужжатлари амалдаги қонунларимизга қиёсан ўрганиб чиқилди. Ҳар бир йўналиш бўйича мавжуд муаммолар аниқланиб, уларни бартараф этиш юзасидан қонун ҳужжатларига тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш юзасидан таклифлар тайёрланди.

Кези келганда айтиш керакки, истиқлол йилларида мамлакатимизда қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш, унинг ҳуқуқий асосларини яратишга хизмат қиладиган қонунлар қабул қилинди. Лекин ҳануз ушбу соҳадаги қонунларимиз айрим камчиликлардан холи эмас. Шуни эътиборга олиб, ишчи гуруҳлари томонидан аграр соҳага тегишли қонунлар мажмуи атрофлича ўрганиб чиқилиб, уларни янада такомиллаштириш, ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар берилди.

Жойлардаги аҳволни ўрганиш борасида яна шу нарса маълум бўлдики, корхоналарни давлат тасарруфидан чиқариш, хусусийлаштириш ва сотиб олиш, мол-мулкларни баҳолаш борасида ҳам баъзи бир муаммоларга дуч келинмоқда. Маълумки, бу фаолият тури "Баҳолаш тўғрисида"ги қонунга кўра махсус лицензия асосида амалга оширилади. Аммо ҳанузгача қайси орган томонидан лицензия берилиши, уни тақдим этиш тартиби ишлаб чиқилмаган. Бу ўз навбатида ушбу жараённи тартибга солувчи меъёрий ҳужжат яратишни тақозо этади.

Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисидаги норматив актларда сотиб олиниши мумкин бўлган корхоналар, мол-мулклар асосан хорижий инвесторларга сотилиши кўзда тутилган. Амалдаги қонунларга асосан хорижий сармоялар иштирокидаги корхоналарни ташкил этишда фақат хорижий юридик шахсларнинг қатнашиши кўзда тутилган. Бу эса, инвесторларнинг мамлакатимизга кириб келишини анча чеклайди ва уларнинг хусусийлаштириш ва давлат тасарруфидан чиқариш жараёнидаги иштирокини чеклайди. Шуни назарда тутиб хорижий инвесторлар иштирокидаги корхоналарни ташкил этишда хорижий фуқароларнинг ҳам иштирокини таъминлаш мақсадида тегишли қонунларга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида таклифлар киритилди.

Шу билан бирга ишчи гуруҳлари Олий Мажлиснинг қўмита ва комиссиялари билан ҳамкорликда бевосита қонунларни тайёрлаш, шунингдек, қонунлар ижросини ўрганиш жараёнларида иштирок этишмоқда. Шуни мамнуният билан қайд этиш жоизки, ишчи гуруҳлари томонидан тайёрланган лойиҳаларнинг аксарияти янги қабул қилинган қонунлар ёки қонунларга киритилган қўшимча ва ўзгартиришларда ўз аксини топмоқда. Жумладан, Олий Мажлиснинг иккинчи чақириқ 6-сессиясида суд ислоҳотларини ҳуқуқий таъминлаш ва жиноят қонунчилигини эркинлаштиришга доир қонунлар ҳужжатлари, яъни Жиноят кодекси ва Жиноят процессуал кодексига қўшимча ва ўзғартиришлар киритиш жараёнида ишчи гуруҳлари томонидан тайёрланган таклиф ва қўшимчалар ҳам ўз ифодасини топди.

Ишчи гуруҳлари томонидан жойларда иқтисодиётга доир қонунларнинг ижроси билан боғлиқ бўлган жараён ўрганилиб, қонунларни турмушга тадбиқ этиш билан боғлиқ бўлган муаммоларни бартараф этиш юзасидан тегишли таклифлар тайёрланмоқда. Шунингдек, тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, шартномавий муносабатлар қоидаталабларига амал қилиш борасидаги аҳволни ўрганиш жараёнида бевосита мулкчилик, солиқ, божхона, хусусийлаштириш, банк-молия, ер ва қишлоқ хўжалиги каби қонун ва қонуности меъёрий ҳужжатларини таҳлил қилиш, уларнинг амалда қўлланилиши билан боғлиқ объектив ва субъектив фактларини аниқлаш ва бартараф этиш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқилди.

Вазирлик ходимларининг илмий салоҳияти ва малакасини ошириш мақсадида ишчи гуруҳ аъзолари Тошкент Давлат юридик институтининг тегишли кафедраларига тадқиқотчи изланувчи сифатида бириктирилди. Бугунги кунда вазирликнинг 31 нафар ходими танланган мавзулар юзасидан илмий-тадқиқот ишлари олиб бормоқдалар.

Адлия вазирлиги тизимидаги "Ҳаёт ва қонун", "Давлат ва ҳуқуқ" юридик журналлари, "Инсон ва қонун" ҳуқуқий газетасида ва бошқа нашрларда қонунчилик тармоқлари бўйича илмий мақолалар чоп этилмоқда.

Хафтанинг ҳар душанба куни вазирликда қонунчилик тармоқлари бўйича ишчи гуруҳи раҳбарлари иштирокида "Ҳуқуқий билимлар" ўқув машғулотлари мунтазам ўтказиб келинмоқда. Ушбу машғулотларда муайян қонунчилик соҳалари муҳокама қилиниб, уларни такомиллаштириш юзасидан таклифлар билдирилмоқда.

Умуман айтганда, ишчи гуруҳлари ўз фаолиятида қонунчилик амалиёти билан боғлиқ жараёнларни ўрганиш, таҳлил этиш имкониятига эга бўлди. Шунинг натижасида вазирлик фаолиятида қонунларнинг амалий ижросини назорат қилиш, ўрганиш ва таҳлил этиш жараёнининг ўзига хос тизими шаклланди, дейиш мумкин.

Куни кеча вазирликнинг марказий аппаратида бўлиб ўтган семинар йиғилишида ишчи гуруҳларининг фаолияти таҳлил қилиниб, бу борадаги ишларни янада жонлантириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар белгиланди. Жумладан, ҳар бир ишчи гуруҳи зиммасига:

— **биринчидан,** қонунчилик тармоқлари бўйича тузилган ишчи гуруҳлари йўналишлари бўйича тегишли вазирлик, давлат қўмиталари, идоралар, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ҳамда халқаро ташкилот ва жамғармалар билан ҳамкорликда мунтазам равишда республика миқёсида илмий-амалий конференциялар ўтказиш;

— **иккинчидан,** ишчи гуруҳлари аъзолари томонидан мунтазам равишда ҳуқуқий газета ва журналларда илмий мақолалар чоп этиш;

— **учинчидан,** қонунчилик тармоқлари бўйича телевидиниеда мунтазам равишда давра суҳбатлари ўтказиш билан боғлиқ вазифалар қўйилди.

Хулоса қилиб айтганда, шу тариқа қонунлар ижросини тизимли ўрганиш имконияти юзага келди. Бу борада ўзига хос тажриба тўпланди. Асосий эътиборимиз қонун ҳужжатларининг таъсирчанлигини янада ошириш, уларнинг самарали ишлашини таъминлашга қаратилган.

**Таҳририятдан:**
**Газетамизнинг келгуси сонларида ишчи гуруҳларининг фаолияти тўғрисида мақолалар бериб бориш ниятидамиз.**

# МУАЛЛИФЛИК ҲУҚУҚИ ҲИМОЯСИ

*Жаҳон тажрибаси*

Муаллифлик ҳуқуқи ҳимояси билан халқаро миқёсда шуғулланувчи нуфузли ташкилотлардан бири ЮНЕСКО ҳисобланади. Хўш, унинг бу борадаги фаолияти қай йўсинда йўлга қўйилган. Қуйида шу ҳақида мулоҳаза юритамиз.

ЮНЕСКО асарлар, хусусан, китоблар, архитектура, санъат асарларини халқаро меъёрлар асосида ҳар томонлама ҳимоя қилиш мақсадида дунёдаги давлатларни халқаро конвенция ва шартномаларга қўшилишга рағбатлантиради. Шунингдек, у интеллектуал мулк яратувчиларининг асарларини айирбошлаш, фан, адабиёт, санъат асарларини нашр этишда ҳар томонлама алоқаларни ўрнатиш йўлида давлат ва халқларга ёрдам беради. ЮНЕСКОнинг муҳим вазифаларидан яна бири дунё мамлакатларида муаллифлик ҳуқуқига оид маълумотларни тарғиб этиш, ҳуқуқий адабиётларнинг яратилишига қўмаклашиш, халқаро конвенциялар ишлари билан таништириш, муаллифлик ҳуқуқига доир халқаро анжуманлар ўтказиб туришдан иборат.

Қолаверса, инсоният томонидан яратилаётган ҳар қандай интеллектуал мулкнинг сўнгги намуналарига ҳимоя объекти сифатида қараб, уларни ҳуқуқий ҳимоя тизимига киритиш борасида ҳам ташкилотнинг хизматлари беқиёсдир.

Энди ушбу нуфузли халқаро ташкилот амалга оширган ишларнинг айримларини санаб ўтамиз.

ЮНЕСКО 1952 йилда муаллифлик ҳуқуқини халқаро даражада ҳимоя қилишни кафолатлайдиган муаллифлик ҳуқуқига оид Бутунжаҳон Женева конвенциясини қабул қилишга эришди. Ҳозирги вақтда дунёнинг 90 дан ортиқ давлати мазкур конвенция аъзоси ҳисобланади.

Конвенция универсал хусусиятга эга бўлиб, фан адабиёт, санъатга доир барча асарларнинг ҳуқуқий ҳимоясини белгилайди. Ҳозирги пайтда ЮНЕСКО томонидан ушбу конвенция меъёрларини такомиллаштириш, ҳаракат доирасини кенгайтириш тадбирлари амалга оширилмоқда.

Муаллифлик ҳуқуқини ҳимоялаш тарихига назар ташласак, ушбу масала биринчи марта ЮНЕСКОнинг 1977-1978 йилларга мўлжалланган Дастурига киритилган. 1979, 1983, 1985 йилларда ҳукуматлар экспертлари қўмитасида кўриб чиқилган. Ниҳоят, 1987 йилда ЮНЕСКО Бош Конференциясининг 24-сессиясига ушбу масала юзасидан тайёрланган махсус ҳужжат муҳокама учун тақдим этилади. "Асарлар дахлсизлигини ҳимоя учун ҳақидаги Тавсиянома" деб аталган бу ҳужжат дастлаб ҳукуматлар экспертларининг махсус қўмитасида маъқулланади ва ЮНЕСКОнинг 1989 йилда бўлиб ўтган Бош Конференциясининг 25 – сессиясида кўриб чиқилиб, қабул қилинган.

Асарларнинг умумхалқ мулки деб эътироф этилиши уларнинг давлат томонидан муддатсиз тўлиқ ҳимоя қилинишини билдиради. Асарнинг ижтимоий бойликка айланиши икки кўринишда амалга оширилиши мумкин:

а) Асарларни ҳимоя қилишнинг қонунда белгиланган муддати тугагандан сўнг улар ижтимоий бойликка айланади. Бу ўринда ушбу тушунча муаллиф вафот этгандан сўнг 50 йил ўтгани ва асардан фойдаланишга рухсат бериш ҳамда тегишли халқларни талаб қилиш ҳуқуқи тугаганлигини билдиради.

б) Асарлар муаллиф ҳаётлиги даврида ёки муаллиф вафот этганидан сўнг ҳам давлат томонидан сотиб олиниши мумкин. Бундай ҳолат ана шу асарнинг давлат тасарруфига ўтишини белгилайди. Бундан ташқари, бу тушунча муаллиф бир неча давлатлар ҳудудида яшаб, асар яратган бўлса, у ҳолда унинг асари давлатлараро келишувга биноан, шу давлатга тегишли деб топилиши ҳамда, давлат томонидан ижтимоий бойликка айлантирилиши мумкинлигини ҳам ифодалайди.

Таъкидлаш жоизки, мазкур халқаро ҳуқуқий меъёрлар ЮНЕСКО ташаббуси билан халқаро ва миллий қонунчиликда ўз аксини топмоқда. Жумладан, 1976 йилда қабул қилинган "Таржимонлар мақоми ҳақида"ги Найроби Тавсияномаси; 1980 йилда қабул қилинган "Ҳаракатланувчи тасвирларни сақлаш ва ҳимоя қилиш ҳақида"ги Белград Тавсияномаси; 1980 йилда қабул қилинган "Ижодий ходимлар ҳолати ҳақида"ги Белград Тавсияномаси" шундай ҳужжатлар сирасига киради.

1997 йилда бўлиб ўтган ҳукуматлараро қўмитаси мажлисида эса муаллифлик ҳуқуқининг янги пайдо бўлган янги объектлари — мультимедиа асарларининг халқаро ҳуқуқий ҳолатини белгилаш ва миллий қонунчиликда мустаҳкамлаш муаммолари муҳокама этилди. Халқаро экспертлар ҳамда олимларнинг хулосасига кўра, асарларнинг видеоклиплар, фильмларни электрон воситалар хотираларида сақлаб туриш, компьютер ёрдамида рассомлик асарларини яратиш, мусиқа яратиш, амалий-безак асарни яратиш, овоз ёзиб олиш ва компьютерда эшитиш каби турлари кўпайиб бормоқда. Бироқ ушбу масала анча мунозарали бўлиб, бу борада ҳали тугал хулосага келинмаган. Бир гуруҳ экспертлар қайд этилган асарларни муаллифлик ҳуқуқининг объекти деб қараса, иккинчи гуруҳ уларни муаллифлик ҳуқуқининг объектлари эмас, деб ҳисобламоқда. Шу боис халқаро мавжуд қонунчиликда мультимедиа асарларининг ҳуқуқий мақоми белгиланган эмас. Ҳозирги пайтда ЮНЕСКО муаллифлик ҳуқуқи бўлими раҳбарларининг саъй-ҳаракатлари мультемидиа асарларига ҳуқуқий баҳо берилишига эришишга йўналтирилган.

ЮНЕСКОнинг муаллифлик ҳуқуқида "ўтиш ҳуқуқи" нинг қўлланишига доир фаолияти ҳам таҳсинга сазовордир. Маълумки, "ўтиш ҳуқуқи" амалий-безак санъат асарларига нисбатан қўлланганда ўзига хос оқибатларга олиб келади. Масалан, рассом томонидан яратилган асар бир неча марта сотилиши мумкин. Бу ҳолатда ҳар бир сотилишдан олинадиган муаллифлик ҳақига нисбатан бўлган ҳуқуқ ҳамма давлатларда ҳам ҳуқуқий мақом билан мустаҳкамланмаган. Ҳозирги пайтда ЮНЕСКО ташаббуси билан кўплаб давлатларнинг қонунчилигида бу муаммо ўз ечимини топаяпти.

Шунингдек, ЮНЕСКО ташкилоти муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқларга оид билимларни тарғиб этиш, уни бутун дунёга ёйиш ва бу соҳага ҳуқуқшунос кадрларни тайёрлаб бериш борасида ҳам сезиларли ишларни амалга ошираётганини таъкидлаш жоиз. Бу йўналишда БМТ ва бошқа халқаро ташкилотлар билан бир неча йилдан буён хорижий тилларда бюллетень чоп этиб келмоқда. ЮНЕСКОнинг санаб ўтилган фаолият турларидан ташқари, инсониятнинг маънавий ва маданий меросига муносиб ҳисса қўшадиган муаллифлар ҳуқуқларини янада қадрлаш мақсадида Конференция қарори билан ҳар йили 23 апрель "Халқаро китоб ва муаллифлик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш куни" сифатида бутун дунёда нишонланишини айтиб ўтиш жоиз. Бу дунёдаги барча муаллифларга кўрсатилаётган халқаро эътибор тимсоли ҳисобланади.

**Бобоқул ТОШЕВ,**
**юридик фанлари номзоди**

*Озодлик сурури*

# КЎЗЁШЛАРДА МАВЖЛАНГАН ҚУВОНЧ

Дунёда озодликдан улуғ ва азиз неъмат йўқ. Ахир, эркинг ўз қўлингда бўлиши, тинч-хотиржам меҳнат қилиб, оиланг ва дўстларинг даврасида яйраб-яшнаб юришга нима етсин!

Шу маънода Президентимиз Ислом Каримовнинг мустақиллигимизнинг 10 йиллиги муносабати билан эълон қилган **“Амнистия тўғрисида”**ги Фармони юксак даражадаги инсонпарварлик намунасидир.

Юртбошимизнинг бундай марҳамати ҳаёт сўқмоқларида йўлдан адашиб, жиноят кўчасига кириб қолган, энди афсус-надомат чекаётган кўплаб маҳкумларнинг озодликни орзу қилиб, тортган жабру жафоларининг ижобати бўлди, десак, асло муболаға бўлмайди.

Мазкур амнистия аёллар, вояга етмаган ёшлар ва кекса ёшдагиларга озодлик эълон қилиш билан бирга, жиноят кўчасига адашиб кириб қолган, айни пайтда эса пушаймон бўлиб, ўзлари учун тўғри йўлни танлай олиш имконини сўраётган айрим ёшлар учун ҳам ҳақиқий бахт наъшидасига айланди.

Мазкур Фармонга мувофиқ суд жараёнида ҳам унча оғир бўлмаган жиноятларга қўл урган ҳамда эҳтиётсизлик туфайли жиноят содир этганлар, аёллар, вояга етмаганлар ва кексалар жазодан озод этилмоқда.

Шаҳрихон шаҳрида яшовчи муқаддам судланган Ботиржон Тошматов ўғирлик молларни сотиб олиш, уюшган гуруҳ манфаатини кўзлаб Жиноят Кодексининг 171-моддаси, 3-қисми, “В” бандида назарда тутилган жиноятни содир этган. Бу жиноят учун у айбдор деб топилиб, мол-мулки мусодара қилиниб, уч йилга озодликдан маҳрум этилди. Лекин ҳукмнинг асослантирувчи қисмидаги ҳолатга асосан Президентимизнинг **“Амнистия тўғрисида”**ги Фармонининг 2-моддасига кўра, судланувчи Ботир Тошматов, эҳтиёт чораси ўзгартирили, суд залида озод қилинди.

Яқинда ишлари судда кўрилган Иқболжон Маматисаев, Муқимжон Маматисаев, Равшан Жаббаровлар Жиноят Кодексининг 169-моддаси 3-қисми “А”, “Б” бандларида кўзда тутилган жиноятни содир этиб, уларнинг ҳар бирига олти йилдан озодликдан маҳрум этиш ва мол-мулкини мусодара қилиш жазолари тайин этилди. Лекин улардан ҳам жабрланувчиларга етказилган моддий зарар ундириб берилиб, ўзлари Амнистия туфайли суд залидан озодликка чиқарилди.

Бу маҳкумлар, уларнинг ота-оналари, бола-чақалари, ёру биродарларининг суд залидаги қувончини бир кўрсангиз эди! Уларнинг кўзида мавжланган қувонч ёшларида фақат Президентимиз Ислом Каримовга бундай оталарга меҳрибонлик, шарқона кечиримлилик, инсонпарварлик, адолатпешалик учун миннатдорликни кўриш мумкин эди. Уларнинг тилида фақат бир калима сўз айланар эди:

**— Президентимизга раҳмат!**

**Мансурбек АБДУХОЛИҚОВ,**
**Жиноят ишлари бўйича Балиқчи туман судининг раиси**

*Оила — жамият пойдевори*

# МАҚСАДИМИЗ — ҲАМЖИҲАТЛИК



Ўтган йилнинг биринчи чорагида туманимизда тўртта оила ажрашган эди. Бу йилнинг шу вақтида эса қайд этилган ҳолат атиги бир марта кузатилди. Ажрашишга қарор қилган 4 та оила яраштирилди. Бундан ташқари йил бошидан буён 57 нафар бола оталикни белгилаш йўли билан етимлик ёки насл-насабсизликдан халос этилди. Булар ютуқларимиз, албатта.

Бироқ 28 нафар ёлғиз аёлнинг фарзандли бўлиши ҳолати ҳали ишларимизда муаммоларнинг кўплигидан далолатдир. Бу каби камчиликларни бартараф этиш мақсадида ҳозир туман ҳокимлиги қошида оила қуриш масалалари билан шуғулланувчи махсус комиссия фаолият кўрсатмоқда. Комиссия ишида бўлимимиз ходимлари фаол иштирок этаётгани яхши самара бераяпти. Ҳамкорликда олиб борилаётган ташвиқот ва тушунтириш ишлари оилалар мустаҳкамлигига хизмат қилмоқда.

Маълумки, кўпчилик эр-хотиннинг ажрашишини бировнинг шахсий иши деб қарайди. Бу масаланинг биринчи жиҳати. Иккинчи жиҳати шуки, эр-хотин жанжали оқибатида оила бузилса ёки фарзанд тарбиясига путур етса, етим қолса, жамият фойда кўрадими ёхуд зарар? Қолаверса, бировнинг кулфатига жимгина қараб туриш инсонийликка кирадими?

Назаримда, бу каби нохуш ҳолларга йўл қўймаслик чоралари ниҳоятда кўп. Шулардан бири фуқароларнинг ўз-ўзини бошқариш органлари, хотин-қизлар ташкилотлари ва тегишли комиссияларнинг фаолиятини жонлантириш, биронта оиласининг эътиборидан четда қолиб кетмаслигини таъминлашдан иборатдир.

**Хулоса ўрнида айтганда эса оилага алоқадор бўлган кенг кўламли ва масъулиятли вазифаларни ҳамжиҳатлик асосидагина ҳал этиш мумкин. Бироқ ҳамкорлик оғизда эмас, амалда бўлмоғи лозим. Чунки баъзи ҳолларда у расмиятчиликдан иборат бўлиб қолаётгани ҳам сир эмас. Шу боис амалий ҳамжиҳатликка эришиш асосий мақсад-муддаомиздир, десак асло янглишмаймиз.**

**Сайёра МАДРАҲИМОВА,**
**Урганч тумани ФҲДЁ бўлими мудираси**

*Тарих тилга кирганда*

# ҚАДИМГИ ДАВЛАТЛАРНИНГ СУД ТИЗИМИ

Қадимги давлатларда қонунчиликнинг барча тармоқлари сингари суд тизими ҳам ҳар бир мамлакатнинг ўзига хос удумлари, урф-одатлари ва яшаш тарзига мос равишда фаолият юритган.

Масалан, қадимги Мисрда жамоа судлари ўрнига аста-секин билан подшоликнинг суд тизими жорий этилган. Янги подшолик даврида шаҳарларда 30 нафар судьядан иборат олий суд ҳайъати вужудга келган. Қадимги Вавилонда (Бобил) эса суд тизимининг тартиб-қоидалари подшо Хамурапининг қонунлар мажмуасининг биринчи китобида ўз ифодасини топган. Унга асосан судда фуқаролик ва жиноий ишлари ажратилмаган ҳолда олиб борилган. Тергов жараёнида оғир жиноятлар учун ордания, яъни сув, ўт-олов билан синаш каби усуллари қўлланилган. Бундай усул қадимги Ҳиндистон қонунларида ҳам ўз аксини топган, аммо ҳинд процессуал ҳуқуқи беш хил синаш усулини қўллаб келган.

Буларнинг биринчиси тарози билан синаш бўлган. Бунда буюм ёки нарса икки марта тортиб кўрилган, иккинчисида енгил чиқса, айбдор жазоланган. Олов билан синаш усулида айбланувчини оловга ташлашган. У куймай тирик чиқса, айбдор эмас, деб топилган. Заҳар билан синаш усулида айбдор деб ҳисобланган шахслар заҳар берилган, бўлса, қасам билан синаш усулида айбдорга қасам ичирилган.

Қадимги Хитойда суд тизими бошқа давлатларга нисбатан кенг кўламда йўлга қўйилган. Хитой подшоси Чжоу даврига келиб бош жиноий ишлар суди ташкил топган. Қонунлар бир тизимга келтирилиб, подшо Му томонидан тузилган суд қарорлари асосида фаолият юритган.

Қадимги Афинада суд тизими ишлари “Гепш” деб аталиб, давлатнинг бошқаруви тизимига кирган. “Гепш” қонунчилик вазифасини халқ мажлиси билан бўлиб олган. Қасамхўрлар суди аста-секинлик билан диний ҳамда сиёсий жиноят ишларини кўришда юқори инстанция судига айлана борган. Унинг 6 минг аъзоси булиб, улар ишни кўришда қуръа ташлаш йўли билан чақириб олинган.

Суд тизимида архонтларнинг ўрни ҳам муҳим бўлиб, улар ҳайъати қуръа ташлаш йўли билан 9 архантдан сайланган. Биринчи архант — оила ишлари билан боғлиқ аризани, иккинчи архант (базилевс) — диний ишларга таллуқли аризаларни, учинчи архант назорат ишини олиб борган бўлса, қолган олтита архант “фесмофетлар” деб аталиб қонунчиликка оид бошқа ишларни тайёрлаган.

V асрга келиб, қасддан одам ўлдириш ишлари юқори инстанция судида кўриладиган бўлди. Бу воқеа қасдсиз одам ўлдириш жиноятлари билан боғлиқ ишларни кўрадиган ўн бир ҳайъат суди, фуқаролик ишлари бўйича ҳакамлар судлари мавжуд бўлган.

Суд жараёни тортишувлик тамойилига асосан олиб борилган. Иш архонт ёки бошқа мансабдор кишилар томонидан тергов қилиш билан бошланган. Суд жараёнида тарафларга маълум вақт берилган. Бу вақт мобайнида тарафлар бирор-бир фикрга келишиб олишлари керак бўлган. Ундан сўнг суд ҳукм чиқарган.

Қадимги Римда преторлар — суд ишларини амалга оширувчи мансабдор шахслар ҳисобланган. Цензорлар эса асосан тўрт кишидан иборат бўлиб, полиция хизматини бажарган. Бундан ташқари квесторлар — жиноят ишлари бўйича тергов ишларини олиб борувчи мансабдор судьялар ҳам фаолият юритган.

Суд вазифаларини дастлаб подшо бажарган. Республика даврига келиб эса 509 йилда қабул қилинган Ваперия қонунига биноан қатл этиш тўғрисидаги ҳукм консуллар томонидан чиқарилган. Қўзғолон, фитна, жосуслик, давлатга хоинлик қилиш каби ишлари бўйича Сенат суд вазифасини бажарган. Монархия даврида Римда Сенат олий фуқаролик ва жиноий ишларни амалга оширган.

Эрамизнинг II асрдан бошлаб судловга бағишланган махсус қўлланмалар чоп этила бошлаган. Судловни эса доимий судлов аъзолари олиб борган. Монархия даврида судлар тергов ва суд ишларини бирлаштирган ҳамда тергов жараёнида сўроқ қилиш вақтида азоблаш усуллари қўлланилган.

Қадимги франклар давлатида суд тизими ва судьяларнинг вазифалари ўзига хос томонлари билан ажралиб турган.

Қадимги Англияда қирол судлари муҳим аҳамиятга эга бўлган. 1176 йилда Генрих II даврида суд ислоҳоти кенг йўлга қўйилади. Генрих II нинг махсус фармойишига биноан мамлакат олтита графликка бўлинади, ҳар бирига учтадан сайёр судлар тайинланади. Улар суд вазифасидан ташқари солиқ назоратини ҳам олиб борган. Кейинчалик мустақил суд ва сайёр судлар вужудга келган. Сайёр судлари ишларни кўришда англо-саксон давлати ҳуқуқларига эътибор берган. Бундан ташқари суд ислоҳоти натижасида ҳарбий судьялардан иборат қирол суди вужудга келади. Судьядликка бадавлат кишилар тайинланган.

Қирол Эдуард III даврида олий суд тизими учта органга бўлинган. Уларнинг биринчиси қирол курсиси суди бўлиб, бир нечта босқичлардан тузилиб, қирол раислигида олий аппелация суди ҳисобланган.

Иккинчи орган умумий тортишувли суд бўлиб, унинг вазифаси умумий қиймати 40 шиллингдан кам бўлмаган ҳамма фуқаролик ишларини кўриб чиққан.

Ўн иккита нафар судьялардан ташкил топган суд давлат жиноятлари ва қасддан қилинган жиноий ишларни кўрадиган сайёр судлардан иборат бўлган.

Суд жараёнида синаш усуллари ҳам кенг қўлланилган. Масалан, айби енгил бўлса, гумондорнинг бармоқлари қайноқ сувга тиқилган, айби оғирроқ бўлса, билагигача қайноқ сувга ботирилган.

Қадимги Хитойда суд тизими маъмуриятдан ажралмаган. Суднинг перархик тузилиши — уезд, округ, вилоят, пойтахт ва император судлари мавжуд бўлган. Подшо Цин ва Минь сулолалари даврида марказий суд муассасалари, жазо муассасалари, жиноят палатаси, шикоят палаталари мавжуд бўлган. Дастлабки тергов ва суд тергови ўртасида фарқ бўлмаган. Суд жабрланувчининг аризаси ёки хабарини қабул қилиб, ўзи терговни бошлаган.

Кўриниб турибдики, қадимги давлатларнинг суд тизими ҳар бир мамлакатда турлича бўлган ва вақт ўтиши билан такомиллашиб борган.

**КАМРОН МИРЗО тайёрлади.**

*Оталар дейдики:*

**Асаларилар ҳам ўз жинсидан бўлатуриб ишламай инидаги асални бекорга еб ётадиганларини ўлдириб ташлайди.**

***

**Билимсиз кишиларнинг кўнгли хурофотга мойил бўлади.**

***

**Шундай кишилар ҳам бўладики, уларнинг табиатига ёлғон хабар тарқатиш одати ўрнашиб қолиб, гўё унга шу вазифа юклангандек бўлади ва ёлғон хабар тарқатмаса тинчий олмайди. Бу эса ёмон хоҳишлардан ва табиатига бузуқ фикрларнинг жойлашганидан келиб чиқади.**

*Жиноят ва жазо*

# ХИЁНАТ

## ёки ака-ука қотиллар ҳақида

Зарема Мифаеванинг йўлини пойлай бошладилар. Бахтиёр Заремани ўлдирмоқчи, кейин пул ва мол-мулкларни ўғирлаб кетмоқчи эди. Баҳодир бу ишда унинг фаол шериги бўлади. Икковлон шу ҳақда келишиб олишади. Зарема кўриниши билан ака-укани огоҳлантирди:

— Мен ортидан кираман. Бирор минутдан кейин сен кириб борасан...

Худди шундай бўлди. Зарема ваҳшийларча ўлдирилиб, тақинчоқлар, пуллар, яна 120 минг сўмлик магнитафон қўлга киритилгач, уй ташқаридан қулфланди-да, калит аллақаерга улоқтирилди.

Зарема йўқ, уй қулф. Нияре Мифаева зир югурди. Охири кўнглига ғулғула тушиб, эшикни буздиришга мажбур бўлди. Ичкарига кирганлар даҳшатдан қотиб қолдилар. Нияре опанинг ҳолатини сўз билан ифодалаш қийин эди.

Милицияга хабар қилинди. Қотил ёки қотиллар ким? Бу — жумбоқ. Бир неча киши гумон қилиниб, зудлик билан текшириб кўрилди. Охирги гумон ака-ука Муродовлар эди. Бу ҳақда бечора онанинг фикри сўралганда, у қатъиян рад этди:

— Уларга она меҳрини берганман... Бўлиши мумкин эмас...

Аммо жиноят-қидирув гуруҳи ўз билганидан қолмади. Бахтиёр ва Баҳодирлар йўқлаб кўрилди. Улар топилмади. Ниҳоят, эртасига иккаласи ҳам Жиззах вилоятининг Бўстон шаҳарчасида қўлга олинди. Уларнинг ёнидан пул ва тақинчоқ сингари далилий ашёлар топилди. Иккови ҳам қотиллик содир этишганига иқрор бўлдилар.

Гулдай Зарема очилмай сўлди. Бечора Нияре Мифаева жонсиз одамга ўхшаб қолди. У фарзанд кўрмаганди. Заремани 2 ойлик чақалоқ пайтида асраб олган эди. Аёлнинг орзулари бир олам эди. Ака-ука Муродовлар бу орзуларни ўтга ташладилар. Фақат орзуларни эмас, онаизорнинг ўзини ҳам сира ўчмайдиган оташ ичида қолдирдилар. Қасосли дунё дейдилар, бу дунёни. Ўша икки нонкўр муртадга ҳам жазо бор. Аввал қонун, кейин виждонлари олдидаги жазо.

Шу пайт Зареманинг қимирлаётганини сезиб қолдилар.

Бахтиёр Муродов Зареманинг ортидан уйга кираётиб, спорт шимининг белбоғини ечиб, қўлига олганди. Бу унинг қизни бўғиб ўлдириш режасидан далолат эди. Энди шу белбоғни ажал билан олишаётган Зареманинг бўйнига солиб, қаттиқ тортди. Укаси Баҳодир бу манзарани бироз кузатиб турди-да, ҳаёт билан видолашиб бўлган қизгинанинг қулоқларидаги тилла сирғаларини ҳам ечиб олди.

Бозорда савдо қилиб ўтирган Нияре Мифаева бу фожиадан бехабар. Бу ёкда эса якка-ю ягона қизи бутун дунёни, онаизорини ҳам ташлаб, дорилбақога кетиб бўлган. Эҳтимол, у аллақачон ҳурлар, фаришталар қуршовида учиб юргандир. Аммо онасининг ҳоли не кечади? Яшашдан, нафақахўр бўла туриб, югуриб-елиб, мол-дунё орттиришдан мақсади шу ёлғизгина қизини бахтли қилиш эди. Энди у бундай оғир мусибатга дош бера олармикан?

Бу фожиа қаерда юз берди? Қотиллар кимлар? Нияре ва Зарема Мифаевалар қандай тақдирли бечоралар экан?

...Бир куни бозорда майда-чуйда нарсалар сотиб ўтирган Нияре Мифаева 13-14 ёшлардаги озғин, нимжон болани кўриб қолди. Ўсмир оғиргина аравани зўрға қимирлатиб келди-да, бирор кишига керак бўлармиканман, деб атрофга жовдиради. Унга иш топилавермагач, аёл ўйланиб қолди. Эҳтимол, қорни очдир, дилидан ўтказди у. Шўрлик онаси болам пул топиб, нон олиб келади, деб йўлига кўз тикиб ўтирган

— Онанг-чи?

Бола жавоб бермай ерга қаради. Нияре опа тушундики, онаси ўлган ёки боласини ташлаб кетган. Бу фикр аёл юрагидаги ачиниш ҳиссини алангa олдирди.

— Пулинг борми? — деб сўради у.

— Иш топилса, пул бўлиб қолар.

— Ма, манави пулни олгин-да, анави ошхонага кириб, қорнингни тўқлаб чиқ. Кейин иш қиларсан.

Бола тортиниб ўтирмади. Пулни олиб ошхонага жўнади. Бироздан кейин қайтиб келди-да, аравачасига қўл узатди.

— Отинг нима? — сўради аёл.

— Баҳодир!

— Яхши исминг бор экан. Сен ўғлим, менга ҳам ёрдамлашиб тур. Эрталабу кечқурун юкларимни бозорга, уйга элтишга кўмаклашасан.

Хуллас, ўша куниёқ Нияре опа Баҳодирнинг қўлига пул тутқазди. Бунга нон, яна у-бу олиб, уйингга элтгин, деб тайинлади.

Эртасига Баҳодир бир йигитни бошлаб келди. Бу Бахтиёр — Баҳодирнинг акаси эди. Шу-шу улар таниш бўлишди. Бора-бора Нияре опа уларга ўрганиб, меҳр қўйди. Топган пулларидан ака-укага бериб, кийимлар ҳам совға қилиб турди. Муродовлар Мифаевалар оиласига бегона эмас, ўз одамидай бўлиб қолишди. Кеч қолишган кунлари шу ерда тунаб ҳам қолишарди. Қалби кенг, меҳри дарё аёл уларга ишонарди, худди ўз ўғилларидай кўрарди.

Кунлар ўтаверди, Зарема чиройли, нозиктабиат қиз эди. У ўн олтига ҳам кирди. Шундай юрган кунларини аллақачон унутган, Нияре опа топган пуллар ҳисобига яшаб, бирор ерда ишламай юрганини ҳам ўйламайдиган бўлиб қолганди.

Нияре Мифаева — саховатли, олижаноб аёл эканини Бахтиёр ва Баҳодирнинг отаси Ашур Муродов ҳам тасдиқлайди. Чунки у ҳам Мифаеванинг узлуксиз ёрдамларидан манфаатдор бўлиб турган. Лекин у болаларига тарбия беролмади, уларни ёмон йўлдан қайтаролмади.

2000 йил 30 июнда Гулистон шаҳар суди кичик ўғли Баҳодирни Жиноят кодексининг 169-моддаси учинчи қисми “А” банди билан айбдор топиб, унга жазо тайинлагандан кейин ҳам ота қаттиққўл бўлолмади. Ўғиллари эса инсофга келиш ўрнига оғир жиноятларга қўл уришни режалаштира бошладилар.

Баҳодир Муродов бир гуруҳ ташкил қилиб, бировнинг уйига ўғирликка кирганида ҳали 16 ёшга ҳам тўлмаган эди. Уни аслида оғир жазо кутарди. Лекин қонунларимизнинг инсонпарварлиги қўл келиб, у енгил жазо билан қутулиб қолди. Шундай бўлса ҳам, бу ўсмир хавфли жиноятчи, яъни рецидивист номини олди. Бундай шахс устидан тегишли идоралар мунтазам назорат ўрнатишлари лозим эди. Афсуски, бу ишга ҳам лоқайдлик билан қаралди.

2000 йилда Баҳодир яна бир жиноят содир этди. У ҳали 16 ёшга ҳам тўлмаган бир содда қизни алдаб, унинг номусини ўғирлади. 17 ёшга ҳам тўлмаган бу зумраша бир оилани бадном қилди. 2001 йилги жинояти эса ҳаммасидан ошиб тушди.

...Ака-укалар Гулистон шаҳрининг 3-мавзесида спиртли ичимлик ичишиб,

Уларнинг бири шўрлик қизни бўға бошлади, иккинчиси куч билан босиб турди. Зарема жон талвасасида нажот истаб, уларга тикилди. Аммо худди акадай бўлиб қолган, шу хонадондан туз ичиб, энди очяланғоч қолган кунларини унутган кўрнамаклар унга раҳм қилишмади. Уни ҳушсизлантириб, уйни тинтишиб, пул, мол-мулк излашга тушишди. 8 та қимматбаҳо сирға, битта олтин занжир, 2000 АҚШ доллари, 450 минг сўм пул, рус рублларини олиб кетаётганларида яна бир марта гиламда юзтубан ётган қизга назар ташладилар..

бўлса-чи?

Нияренинг кўзлари намланди. Ёшларини енги билан артаркан яна хаёлидан ўтказди: “кел, шу болага яхшилик қилай. Шу яхшилик эвазига зора худо қизимнинг умрини узун, ризқини бутун қилса”.

— Ҳў, болам! — деди онаизор ички бир тўлқин, тубсиз бир меҳр билан, — берироқ кел!

Бола унга яқинлашди.

— Қаерда турасан?

— Шаҳар четида.

— Ота-онанг борми?

— Отам пенсияда, ишга ярамайди...

кунларнинг бирида Бахтиёр унга севги изҳор қилди. Зарема эса ҳеч иккиланмай рад жавобини берди.

— Сиз ҳам, Баҳодир ҳам энди менга ака ўрнидасиз. Мен бошқа бир йигитга сўз берганман...

— Менг турмушга чиқмасанг, ҳеч кимга насиб қилмайсан, тушундингми!!! — деди Бахтиёр зарда билан. Зарема эса “тушундим” деб қўя қолди кулимсираб. У бу ҳақда кейин ўйламади. Бахтиёр эса умидини узолмади. Қизнинг беparволигини кўриб, ичидан зил кетиб юрди. У оч-юпун

**Самижон СУЛТОНОВ,**
**журналист**

# КЕЛИНГ, КУЛИШАЙЛИК

***Чукча хотини билан Москвага келипти-да, магазинда кўпчилик ичида хотинини йўқотиб қўйиб, милицияга мурожаат қилипти.***

***— Хотинингизнинг ташқи кўриниши қанақа эди, унинг оғзаки сувратини беринг—чи...***

***— Бу нима деганИ?***

***Милиция бошлиғи унга тушунтирипти:***

***— Масалан, мана, менинг хотинимни олайлик.***

***Баланд бўйли, хуш қомат, кўзлари мовий, мўйна пўстинда, оёғида фин этиги... Тушундингми?***

***— Ҳа... Менинг хотиним пакана, букри, оёқлари қийшиқ... Менга қара, менинг хотинимни излаб нима қилдик? Кел, яхшиси, сенинг хотинингни излаб қўяқолайлик...***

***

***Психиатрга бемор мурожаат қилипти:***

***— Доктор, бедаво дардга йўлиқдим. Ўзим ўзимга икки киши бўлиб кўринаман.***

***— Ҳеч нарса тушунмадим, — деди доктор. — Яна бир такрорланг. Фақат икковинглар баравар гапирманглар.***

Самарқанд вилояти адлия бошқармаси ҳузуридаги Малака комиссиясининг 2001 йил 25 сентябрдаги қарорига асосан фуқаро Қувондиқов Турдиқул Отақулович номига берилган 000047 серияли, 47 рақамли давлат реестрида қайд этилган нотариал фаолият биланшуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензия

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

# САМИМИЙ ДЎСТ ХОТИРАСИ



Ҳаётда шундай инсонлар бўладики, улар ўзининг умрини, куч-қудрати ва ақл-заковотини адолат тантанаси, эзгулик йўлида сарфлаб яшайди. Рифқат Файзулин ана шундай инсонлар сирасига кирарди.

У 1951 йилда Наманган шаҳрида туғилиб, ўзининг меҳнат фаолиятини Наманган шаҳар судида котиблик вазифасидан бошлаган. 1969-1974 йилларда ТошДУнинг ҳуқуқшунослик факультетида таҳсил олди. Дорилфунунни битиргач, унинг билимдон ҳуқуқшунос сифатида ҳақиқий фаолияти бошланди. Дастлаб у Наманган шаҳар прокурорининг ёрдамчиси, Наманган вилояти прокурорининг катта ёрдамчиси, вилоят прокуратурасининг умумий назорат бўлими бошлиғи, вилоят судининг судьяси, вилоят суди раисининг ўринбосари, вилоят суди раиси вазифасини бажарувчи, 1993-2000 йилларда Наманган вилояти судининг раиси вазифаларида фаолият олиб борди. 2001 йилнинг январидан эса Жиноят ишлари бўйича Наманган вилояти судининг раиси вазифасида ишлади.

Рифқат Файзулин қаерда, қайси вазифада ишламасин, ҳамиша ўз бурчини сидқидилдан бажаришга ҳаракат қиларди. У принципиал, ўзига ва бошқаларга нисбатан талабчан раҳбар сифатида ҳурмат қозонган эди. Унинг раислигида кўрилган ҳар бир жиноий иш ва раёсат, судлов ҳайъатларида кўрилган масалалар ўзининг холис ва ҳаққоний баҳосини олар эди.

Шу билан бирга Р.Файзулин мудом ўқиб-ўрганиш, изланишдан сира толмасди. У қонунларимиз, қонунчилик жараёнини пухта биларди. Бу ўринда унинг суд-ҳуқуқ тизими қонунчилиги лойиҳалари юзасидан билдирган таклиф, фикр-мулоҳазаларини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиздир.

Шунингдек, у ёшларга ҳуқуқшуносликнинг нозик сир-асрорларини ўргатишда яқиндан кўмак берувчи инсон сифатида ҳам қимматли ишларни амалга оширди. У оилада меҳрибон ота, дўстларига садоқатли ва дилкаш инсон эди.

Ҳамкасбимиз табиатан янгиликка интилувчан инсон эди. У қатор инсоний фазилатлари, ҳалол ва камтаринлиги билан маҳалла ва жамоасида катта обрў-эътибор қозонган эди. Бевақт ўлим ана шундай беназир инсонни сафимиздан олиб кетди.

Ҳамкасбимизнинг ёркин хотираси ёдимизда бир умр сақланади.

**Бир гуруҳ дўстлари**

**Ушбу сондаги суратлар муаллифлари Шавкат АКРОМОВ ва Абдуғани ЖУМАЕВ**

1996 йилнинг январидан нашр этилади
ИНСОН ва ҚОНУН
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

МУАССИС
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

1998 йил 2 июлда Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00141-рақам билан рўйхатга олинган

Бош муҳаррир
Шодиқул ҲАМРОЕВ

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ
Ғайбулло РАҲИМОВ
Шуҳрат РЎЗИНАЗАРОВ
Эркин ҚУДРАТОВ
Аслиддин БОЛИЕВ
Абдил ТЎХТАШЕВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ
Шуҳрат ФАЙЗИЕВ
Ғофур АБДУМАЖИДОВ
Ҳусан ИБРОҲИМОВ
(Бош муҳаррир ўринбосари)
Ислом ҲАМРО
(Бош муҳаррир ўринбосари)
Нормейли НОРПЎЛАТОВ
Миршоҳид МИРҲАМИДОВ

Индекс: 646882

«ИНСОН ВА ҚОНУН» газетаси таҳририяти компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. А-2 бичимда, 2 босма табоқ ҳажмида, офсет усулида «Шарқ» нашриёт матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси 41-уй. Буюртма Г-2943. Тиражи-10.000.
Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди - 20.00

Навбатчи: Т. ХАСАНБОЕВ
Компьютерда ори инал макет тайёрловчи: Д. БЕКМУРОДОВА
Компьютер операторлари: М. ЯХНЯЕВА, М. ДЎСТОВА

МАНЗИЛИМИЗ:
700047, Тошкент шаҳри, Сайилгоҳ кўчаси-5.
Тел: 132-14-18 (умумий бўлим), 133-70-65

Таҳририятга юборилган қўлёзмалар эгаларига қайтарилмайди ва уларга ёзма жавоб берилмайди.
Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин.
Факт ва далиллар тўғрилиги учун масъулият муаллифлар зиммасидадир.